

Эртасига бозорга бориб, Марҳабга учрашган Сабина юқори ташкилотларда ишлайдиган ошна-оғайнилари кўп бўлган, ҳолатбарор бир йигит билан танишганлиги-ю, ўша йигитнинг ёрдамида анча иш қилиш мумкинлиги ҳақида оғиз кўпиртирди.



Фарзандлар жаннат райҳонларидир, дейилади ҳадислардан бирида. Илк фарзанди дунёга келганида қувончи ичига сиғмай дўпписини осмонга отган отанинг кун келиб ўз пушти камаридан яралган болаларнинг қотилига айланиши тасаввур этишининг ўзи даҳшат.



Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 14-iyul, №28 (757)

БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Фаргона шаҳри

Мустақиллини қўлга юритган мамлакатимиз 20 йилда асрга тенг тараққиёт йўлини босиб ўтди. Конституциямизда белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги, ҳар қандай таъжовулардан ҳимоя қилиниши давлат ва жамият қўриқлигининг тамал тошларидан бўлиб ҳисобланади. Шунга монанд ўтказилган суд-ҳуқуқ ислохотларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими яратилмоқда.

Олий қадрият

Ислохотлар жараёнида ташкил топган фуқаролик судлари, ҳўжалик судларида фуқаролар, корхона ҳамда муассасалар ўртасидаги мулкӣ ва бошқа турли-туман низолар адолатли, қонуний ҳал этилмоқда.

Жамиятимизнинг инсонпарварлиги жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани, ўлим жазосининг бекор қилинганида янада яққол намоён бўлди. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо меъёлари жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципинга риоя қилингани ҳолда жиноий қилмишнинг содир этган, жамиятдан ажратиб қўйилмайдиган турдаги жазо тайинланган шахсга тузалиш йўлига ўтиш имкониятини ҳавола этаётгани билан эътиборга моликдир.

Жамият қўриқлигининг инсонпарварлик тамойилига амал қилиниб, сиёсий-иқтисодий ислохотлар жараёнида аҳолининг кенг қатламлари ижтимоий ҳимояга олинмоқда. Бу борадаги қонун ва қонуности ҳужжатлари ижрога қаратилиб кам таъминланган, серфарзанд оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланмоқда. Ишчи фуқароларни, битирувчи ёшларни касб-корларига мос иш билан таъминлаш, бошқа касб-корларга ўқитиш, янги иш бошлаётган,

Жамшид ФАЙЗИЕВ,
Фаргона вилоят прокурори

фаолиятини кенгайтираётган, шу йўсида янги иш ўринлари тақлиф этаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш воситасида меҳнат ва бандлик муаммоси ҳал этилмоқда.

Вилоят прокуратураси, шаҳар ва туман прокуратуралари жойларда ташкил этаётган учрашувлар, бевосита мулоқотларда тадбиркорларга ҳуқуқӣ ва амалий ёрдам кўрсатиляпти. Тадбиркорларнинг 25 нафарига 376,3 млн. сўм кредит, 9 нафарига ер участкалари ажратиш, 318 нафарига рухсатнома ва бошқа тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари ҳал қилинди. 1817 нафар тадбиркорларга ҳуқуқӣ масалалар берилди.

Шунингдек, СВОЖДЛҚК Департаментининг вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқӣ ҳимоя қилиш борасидаги иш жараёнида 7 нафар рўйхатдан ўтмасдан ишлаётган тадбиркорлар фаолиятига қонуний нўсз берилиб 13 та, 50 нафар қонуний ишлаётган шахс билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб 62 та, 23 нафар тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилиб 81 та қўшимча иш ўринлари яратилди.

[Давоми 4-бетда]

Комиссия йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маъкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

Республика Бош прокурори, мазкур комиссия раиси Рашидjon Қодиров бошқарган йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни ижроси аҳволи ва бу борада Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Мажлисда таъкидланганидек, мамлакатда баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган комплекс дастурлар доирасида вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш борасида мақсадли тадбирлар ўтказиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасаларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни ба-

жариш юзасидан масъулиятини тўдан ошириш, болаларнинг гайриижтимоий хулқ-атворини эрта аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги тадбирлар самарадорлигини кескин яхшилаш имконини бермоқда.

Вояга етмаганларда қонунга итоскорлик хулқ-атворини шакллантириш, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдириш ҳамда улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан таълим муассасалари, прокуратура, адлия, ички ишлар органлари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда 47 мингдан зиёд ҳуқуқӣ тарғибот тадбирлари ўтказилган.

Шунинг билан бирга, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларда қонунга итоскорлик хулқ-атворини шакллантириш, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар ва оилаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш борасидаги ишларни ташкил этишдаги баъзи нуқсонлар танқид қилинди.

[Давоми 2-бетда]

Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўлида

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш соҳасидаги устувор вазифаларни амалда рўёбга чиқариш мақсадида 2011 йил 11 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий сўли биносида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик, суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий сўли ҳузуридаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш бўйича тақриёт маркази билан биргаликда ташкил этилган "Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари" мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатиде мамлакатимизда фаол кечаётган демократлаштириш жараёнларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама ишлаб маромига етказиш ва янги таҳрирда қабул қилиш тақлиф қилинди. Президентимиз бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликни унификациялаштиришнинг тақлиф қилган эди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни қўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, бу соҳада қонунчиликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли тарзда ҳимоялаш чораларини ҳам кўзда тутиш лозим.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган юқоридаги

вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида эксперт гуруҳи тузилганлиги, бу гуруҳ янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексини тайёрлаш борасида аниқ мақсади иш олиб бораётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Ана шунинг асосида давра суҳбати қатнашчилари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг долзарб назарий ва амалий муаммоларини муҳокама қилдилар. Амалдаги қонунчилик базаси умуман олганда мансабдор шахслар, тегишли органлар ва судларга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни самарали кўриб чиқиш имконини бераётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Давра суҳбати қатнашчилари ўз маъруза ва чиқишларида маъмурий жавобгарлик соҳасидаги қонунчилик базасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган

бир қатор фикр ва тақлифларни ўртага ташладилар. Хусусан, улар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексини маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик нормаларининг бу йўналишда яхлит норматив базани шакллантиришни таъминлайдиган бирдан-бир манбаи сифатида белгилаб қўйиш зарур деган фикрни ақдиллик билан билдирдилар. Давра суҳбати қатнашчилари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ҳолисона ва бегараз қўрилишини таъминлаш учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўрадаган мансабдор шахсларни ва иш юритишнинг бошқа қатнашчиларини рад этиш тартибини расамда келтириш зарурлигини, бу маъмурий ишни юритиш босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини яратишни ҳам таъкидладилар. Маъмурий ушлаб туришнинг амалдаги тартибини янада такомиллаштириш юзасидан ҳам тақлифлар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати

Қонунни билмаслиқ жавобгарликдан қутқармайди

Жондор туманидаги "Аҳмад Холмурод" фермер хўжалиги Зокир Аҳмедов томонидан 2005 йилнинг январда ташкил этилган. Хўжалиkning асосий фаолият тури деҳқончилик бўлиб, 2006 йилдан бошлаб пишиқ гишт ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Зокирнинг ёш бўлса-да, ишнинг кўзини билиб катта маҳсааларга интилганига ҳавас қилганлар кўп бўлди.

Ахир, фермерликнинг ўзи бўлмайди: деҳқончиликни обдон ўрганиш, ҳосилдорликни ошириш учун гектар-гектар ерлар ва вақтда ишлов бериш, қолаверса, ишчиларнинг ойлик маошларини ойма-ой бериб бориш, давлат шартномаларини бажариш шарт. Бунинг учун эса яхшигина иқтисодчи, молиячи ҳам бўлиш талаб этилади. Энг муҳими, соҳага доир ҳар бир қабул қилинаётган қонунности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар — қарорлар ва фармонларни ўрганиб бориш, қонунларни билиш ва албатта, уларни ҳурмат қилган ҳолда итоат этиш зарур. Аксариат оқсаб қолаётган ишбилармонларга уларнинг ҳуқуқий нўқоқликлари панд беради. 3.Аҳмедовнинг қоқилган жойи ҳам шунда.

Хўжалик бош ҳисобчиси Э.Раҳматов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2008-2010 йиллар мобайнида фермер хўжалигининг амалга оширган

молиявий фаолияти юзасидан Жондор туман ДСИга тақдим қилган ҳисоботларда солиқ солинадиган объектларни камайтириб кўрсатиши оқибатда солиқ ва мажбурий тўловлардан 22499,9 минг сўмлик боқимонда қарздорлик вужуд келади. Гарчи, хўжалик ишлаб чиқарган пишиқ гишт сотувидан қарздорликни ёпишнинг имкони бўлса-да, бу чорани қўлламайди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли Қарори талабларига кўра, савдодан тушган нақд пуллар назорат-касса машинаси орқали кирим қилиниб, банк ҳазинасига топширилиши лозим. Аммо 3.Аҳмедов нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйиб, савдо ва хизмат кўрсатиш қондаларини 37818,0 минг сўмлик микдорда бузади. Бу ҳолатни фермер "минерал ўғит, солиқ ва нефть маҳсулотларидан бўлган қарздорлик туфайли инкасса топшириқномалари қўйилганлиги, гишт сотишдан тушган нақд пул маблағларини хўжалик ҳисоб рақамига кирим қилинганида шу қарздорликка сарфланиши мумкинлиги, гишт цехини юри-

Обид КИЛИЧОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Жондор туман бўлими бошлиғи

тиш учун газ ва электр энергияси тўловларини тўлаб боргани, акс ҳолда ишни юртга олмаслиги мумкинлиги, нақд пулларни НКМга кирим қилиш кераклиги ҳақида билмаганлигини" айтиб, изоҳлайди.

Бундан ташқари, маълум бўлишича, 3.Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонун талабларига зид равишда ердан фойдаланиш шартларини ва уларни муҳофаза қилиш талабларини ҳам бузиб, хўжалик ер харитасида белгиланмаган тумандаги "Хумин" ҚФЙ ҳудуди 576-сонли контури 0,26 гектар экин ери майдонининг 0,015 гектаридан тупроқ қазиш ишларини амалга оширган. 0,245 гектаридан эса қурилиш ости ер майдони сифатида фойдаланиб келган. Бу эса, ернинг унумдор қатлами бузилишига олиб келиб, давлат манфаатларига жиддий зиён етишига сабаб бўлган.

Фермер хўжалиги раҳбари ва бош ҳисобчининг жиноий жавобгарликка тортилиши таъминланди. Суд уларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Ҳуқуқлари тикланди

Х.РАИМОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Йил 26 январь куни "Зумрад" фермер хўжалигига тегишли ер майдонини фермер хўжалигига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилиниб, "Қўйлибой Улуг" фермер хўжалигига туман ҳокимлиги захирасига олинган 4 гектар боғ "Зумрад" фермер хўжалигига қайтарилиши таъминланди.

Шу каби, ОАТБ "Агробанк" Саросиё туман бўлими ва тумандаги "Имкон" чорвачиликка иқтисослашган фермер хўжалиги ўртасида 2010 йил 27 май куни қарошқа етиштириш учун бир йил муддатда қайтариш шарти билан 13 млн. 620 минг сўм кредит ажратиш бўйича шартнома тузилган. Шартнома шартларига кўра, 2010 йил 2-чорагида 209 минг сўм кредит фоизи, 3-чорагида 544,3 минг сўм кредит фоизи, 4-чорагида 10 млн. сўм асосий қарз ва 501 минг сўм кредит фоизи қайтарилиши белгиланган.

Фермер хўжалиги томонидан шартнома шартларига кўра, банк ҳисобига талаб этилгандадан ортиқча, яъни 4 млн. 665 минг сўм тўлаб берилган. Шунга қарамай, кредитни сўндириш муддати келмаган бўлса-да, банк ходимлари томонидан 2010 йил 19 декабрда фермер хўжалиги раҳбарининг рухсатисиз фермер хўжалиги ҳисоб рақамига келиб тушган 8 млн. 954 минг сўм пул кредитни сўндириш учун ўтказиб юборилган.

Маъзур ҳолат юзасидан қонунбузилишига йўл қўйган банк мутасаддилари тегишли жазога тортилдилар.

Бундан ташқари, ўтказилган текширишда, "Имкон" чорвачилик фермер хўжалигига 29 гектар суви ер майдони ажратиб берилган бўлса-да, шундан 6 гектари "Қўйлибой Бўстон Агро" фермер хўжалигига томонидан 2011 йил март ойидан буён қонунчи равишда фойдаланиб келинаётганлиги аниқланиб, прокуратура аралашуви билан 6 гектар ер майдони "Имкон" фермер хўжалигига олиб берилди.

Комиссия йиғилиши

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Йиғилишда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар томонидан болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маъзур муҳитда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал қилиш, йўл қўйилаётган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва ушбу масалада масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Қун тартибидagi масала юзасидан Ички ишлар вазирининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари М.Мирфайзиевнинг ҳисоботи эшитилди.

Шунингдек, мажлисда ўқувчиларнинг қобилияти ва қўнимаси, касб-хўнарни ўрганишга бўлган қизиқишини ҳисобга олган ҳолда академик лицей ва касб-хўна қоллежларида таълим йўналишини танлашга кўмаклашиш, ўқувчиларнинг давомати ва фанларни ўзлаштириш даражасини ошириш, уларнинг турли тўғарак ва спорт машғулотларига жалб қилиш борасидаги айрим нуқсонлар танқидий муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури ижроси сўзсиз таъминланиши, шу жумладан, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хўна таълимининг мажбурийлиги, ўқувчиларнинг давомати ва фанларни ўзлаштириш даражасини ошириш, уларнинг турли тўғарак ва спорт машғулотларига жалб қилиш борасидаги айрим нуқсонлар танқидий муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури ижроси сўзсиз таъминланиши, шу жумладан, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хўна таълимининг мажбурийлиги, ўқувчиларнинг давомати ва фанларни ўзлаштириш даражасини ошириш, уларнинг турли тўғарак ва спорт машғулотларига жалб қилиш борасидаги айрим нуқсонлар танқидий муҳокама қилинди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия

Мустақиллик йилларида бошқа соҳаларда бўлгани каби суа-ҳуқуқ соҳасида ҳам бошқарила-бошқарила ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларда инсон турмуш фаровонлиги иннобатга олиниб амалга оширилаётгани натижаси ўлароқ, фуқароларимиз ҳар бир ишга янгича ёндашиб, юртимизнинг, шу орқали ўзларининг фаровон келажагини кўриш йўлига астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Тарбиявий ишлар самараси

Аминбой ЭРСАНДОВ,
Қўнғирот махсус прокурори

Албатта, ҳеч бир инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Кимдир билиб, кимдир билмай, кимдир эҳтиётсизлик орқасида шу йўлга қиради. Ҳозирги кунда жиноят учун жазо тизими бирмунча либераллаштирилди. Ислохотлар даврида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига ҳам маҳкумларнинг ва жиноий жавобгарликка тортилганларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамловчи бир қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилди.

Жиноят содир қилганларнинг барчасини озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгил жазо тайинлаб, тарбиялаш қийин, онгли равишда қасдан оғир ва ўта оғир жиноят содир қилганлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланади. Зеро, жиноятта мойиллиги борлар жиноятга жазо муқаррарлигини англайсиналар.

Ҳозирги кунда жиноят-ижроия қонунчилиги ва жазо тизими тубдан ўзгарди. Маҳкумни озодликдан маҳрум қилиш муассасасида зуравонлик принципи асосида тарбиялашдан воз кечилиб, ижтимоий фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва ҳунар таълими, касб тайёрлиги ва жамоат таъсирида тарбиялаш асосий воситага айлантирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жазони ижро этувчи манзил колониялар фаолият кўрсатмоқда. Маъзур колониялар ташкил этилган вақтда маҳкумларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, уларни моддий рағбатлантириш ва шу асосда қайта тарбиялаш мақсадида колониялар неғизда қишлоқ хўжалиги қороналари ташкил қилиниб, уларга ўзлари жойлашган ҳудудлардан деҳқончилик қилиш учун ер майдонлари ажратиб берилган.

Ҳудуддаги жазони ижро этиш манзил колонияларининг ҳар иккаласи ҳам давлатга 2010 йилги бугудой топшириш шартномавий режаларини ортиги билан удаллашди.

2010 йилда 80-сонли манзил-муассасасида 306 гектар майдонда деҳқончилик қилинди, 220 гектар ерга шולי, 16 гектар ерга полиз, 70 гектар майдонга бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экилд. Шолидан 746 тонна, полиз экинларидан 112 тонна, бошқа экинлардан эса 36 тонна маҳсулот етиштирилди.

Колонияларнинг чорвачилик фермаларида ҳам дастлабки йилларда молларнинг бош сонини сақлаб қолишга ҳаракат қилинган бўлса, ҳозирги кунда қорамолларнинг бош сонини қўпайтиришга, уларнинг наслини яхшилашга эътибор берилиб, ривожланиш йўлидан борилмоқда.

Хусусан, 80-сонли манзил-муассасаси ташкил қилинган вақтда чорвачилик билан шуғулланиш учун 350 бош йирик на майда шохли қорамол ажратилган бўлса, бугунга келиб уларнинг бош сони 1589 тани ташкил қилмоқда. Уларнинг 466 бошини йирик шохли ва 1123 бошини майда шохли моллар ташкил қилади. Натижада колонияларга яхшигина даромад келишига замин яратилди. Даромадининг асосий қисми колония қишлоқ хўжалиги қоронасининг моддий-техник базасини янгиллаш, маҳкумларнинг маънавий шароитларини яхшилашга сарфланади.

Шу билан бирга, асосий эътибор ишлаб чиқаришга қаратилиб, маҳкумларни қайта тарбиялаб, жағиятга қайтариш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилаётгани йўқ. Қўнғирот махсус прокуратура ва колониялар маъмурияти томонидан Жиноят-ижроия кодексига белгиланган тартибда тарбиявий ишлар олиб борилмоқда. Маҳкумларга доимий равишда юртимизда бўлаётган сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, уларнинг фуқаролар ҳақида тутадиган ўрни ҳақида маълумотлар бериб борилмоқда.

Деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокурорларнинг доимий эътиборида бўлиб, Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам бу борада мунтазам равишда назорат тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, 2011 йилнинг 1-ярида фермер хўжаликларига 7,2 млн. сўм дебитор қарзларни ундиришда амалий ёрдам кўрсатилди. 52,2 гектар ер, 222,6 тонна минерал ўғит, 62,6 тонна нефть, 9 млн. сўмлик иш ҳақлари, 7,8 млн. сўмлик эҳтиёт қисмларнинг қонуний асосда ажратиб берилган.

Ўтказилган мониторингларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ноқонуний қарорлар қабул қилиш йўли билан фермер хўжаликларига ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди.

Масалан, Саросиё туман ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24-моддаси талаблари бузилиб, фермер хўжалиги бошлигининг розилигисиз "Зумрад" фермер хўжалиги билан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Туман ҳокимининг маъзур қарорига фермер хўжалиги раҳбари Д.Қўноров номидан ёзилган сохта ариза асос бўлганлиги сабабли туман прокуратураси томонидан туман ҳокимига юқоридаги қарор ва 2008 йил 31 декабрдаги "Қўйлибой Улуг" фермер хўжалигига қўшимча ер ажратиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ҳақида протест келтирилган. Ушбу протест туман ҳокими томонидан кўриб чиқилиб, қаноатлантирилмаганлиги боис, туман прокуратураси томонидан маъзур ушбу қарорларни гайрикўнуний деб топиш тўғрисида судга ариза қилинган.

Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг 2010 йил 20 сентябрь кунги ҳал қилув қарорига кўра, Саросиё туман ҳокимининг 2008 йил 14 ноябрдаги қарорининг "Зумрад" фермер хўжалигининг 4,0 гектар ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига олиш ҳамда 2008 йил 31 декабрдаги "Қўйлибой Улуг" фермер хўжалигига қўшимча ер ажратиш тўғрисидаги қарорининг "Қўйлибой Улуг" фермер хўжалигига қўшимча равишда 10 гектар ер ажратиш тўғрисидаги қисмлари гайрикўнуний деб топишган.

Шундан сўнг туман ҳокимлиги томонидан суднинг ҳал қилув қарори ижроси таъминланиб, 2011

Мамакатимиз мустақилликка эришган иккунларданоқ, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизни ҳар томонлама баркамол авлод сифатида вояга етказишга, уларни турли ёт гошлардан, келажак қушанаси ҳисобланган иллатлардан асрашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, миллатнинг эртанги келажиги ёш авлод қўлидадир.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, фуқароларимиз, шу жумладан, фарзандларимиз саломатлигига, уларнинг етук шахс сифатида камол топишига жиддий хавф солаётган ичиш ва чекиш каби салбий иллатларни бартараф этиш, уларга қарши курашиш республикамизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Тан олиш керак, дастлаб шунчаки кўнгилхушлик учун ўйлаб топилган алкоғоль ва тамаки маҳсулотлари бугун чин маънода "офат" бўлиб, башариятнинг соғлом ҳаётига жиддий хавф солмоқда.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларга қараганда, ер юзидида ҳар 6 сонияда 1 киши, 1 дақиқада 10 киши, 1 соатда 600 киши, 1 кеча-кундузда 14400 киши, 1 йилда эса 5 миллион 256 минг киши тамаки асосатлари оқибатида ҳаётдан кўз юммоқда. Кашандаларнинг 90 фоизи ўпка ракидан, 75 фоизи сурункали бронхит-

Буюк келажакка соғлом авлод билан



дан, 25 фоизи эса юрак касаллигидан нобуд бўлмоқда.

Ичкилик туфайли содир бўлаётган ҳасотликлар сони ҳам юқоридаги рақамлардан ортиқ бўлса борки, кам эмас. Айтиш жоизки, алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни тўлиқ тақиқлашнинг имкони йўқ. Бироқ, мазкур маҳсулотларнинг рекламасини тақиқлаш, уларнинг тарқатилиши ва истеъмоли қилинишини ёш ҳаётдан кечлашни жорий этиш айни мумкин. Зотан, бу каби ҳолатларни ривожланган давлатлар қонунлари, тажрибалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, бир қатор Европа давлатларида, жумладан, Хорватияда 2010 йилнинг 6 майидан жамоат жойларида чекиш қонуний тақиқланган. Грецияда эса бу ҳолат 1 июлдан эътиборан жорий этилган.

Туркия ҳукумати ҳам бу борада бир қатор ишларни амалга ошириб улгурди. 2010 йилнинг 19 июлидан мазкур давлатда ресторан, кафе, барларда чекиш қатъиян ман этилди. Шунга ўхшаш ҳолатлар Хитой, Украина, Россия, Германия, Бельгия, Италия, Сурия, Миср, Кипр, Болгария, Индонезия каби давлатларда ҳам амалга киритилган.

Ўтган йили эса, Финляндияда кашандаликни чеклашга қаратилган дунёдаги энг қатъий қонун қабул қилинди. Унга кўра, 18 ёшга тўлманган йигит-қизга тамаки маҳсулотли сотиш ва бошқа йўлар билан қўлига бериш қатъиян ман этилди. Энди бу ерда вояга етмаганларга бир дон тамаки сотиш ҳам жиноят сифатида баҳоланади. Агар унга амал қилинмаса, айбдор катта мқдорда жарима тўлайди ёки олти ойгача

озодлиқдан маҳрум қилинади.

Таъкидлаш лозимки, республикамиз қонунчилигида ҳам ўтган давр мобайнида ҳалқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини чеклашга қаратилган бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди.

Хусусан, 2010 йилнинг 18 сентябридан эътиборан "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178¹-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун кучга кирди. Унга мувофиқ, республикамизда тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкоғоль ичимликлар рекламаси ман этилиб, мазкур ўзгаришга биноан "Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддаси қуйидаги қўшимча қўйилди:

"Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкоғоль ичимликлар рекламаси тақиқланади, шу жумладан:

тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоғоль ичимликлар намуналарини текин та-

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати

рқатиш;

тамаки, тамаки маҳсулотлари ёки алкоғоль ичимликларнинг номи, товар белгиси ёхуд тасвиридан фойдаланиладиган тadbирларга ҳомийлик қилиш;

тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоғоль ичимликларнинг номи, товар белгиси туширилган товарларни (футбол майкалари, бош кийимлар, ўйинлар ва бошқа шу кабиларни) тарқатиш, шу жумладан сотиш;

савдо объектларининг олд томонида, кириш (транспортда кириш) жойларида, витриналарида, ташқарига олиб чиқиладиган предметларида ҳамда бошқа жойларида тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоғоль ичимликларнинг тасвири, номларини ва улар ҳақидаги бошқа ахборотни ўрнатиш тақиқланади".

Мазкур қондалар бузилган тақдирда тегишли жазо чоралари қўлланилиши қонун нормасида қатъий белгилаб қўйилди.

(Давоми 6-бетда/)

Тараққиёт ва фаровонлик сари

Баъзан менда шундай бўладики, хизмат сафари ёки бошқа сабаб билан юртимизнинг бйрон жойида, хоҳ пойтахтда, хоҳ чекка қишлоқларда бўлганимда ишхонамда қозғоларга қўмилиб, компьютерга термулб замон шиддатини ҳис этолмай қолётгандай бўламан. Одамлар, уларнинг онги, дунёқараш ўзгармоқда, шунга мос равишда замон ҳам ўзгармоқда...

Икки кишининг гапи қовушса ишдан, бизнесдан сўз очилади. Нима иш қилиш керак, нимага талаб ортган, нима ишлаб чиқариш керак, нимадан даромад кўпроқ... Тадбиркорлик кўникмаси деганлари шу бўлса керак.

Тўри, нарх-навоининг бандлигию, тирикчиликнинг оғирлигидан нолиб, олтинга тенг вақтини совуришдан нарига ўтмаётганлар ҳам оз эмас.

Аммо ҳолисона айтадиган бўлсак, салгина жон қойитган борки, тирикчилиги бинойидай. Астойдил ишлаган, ишлагандаям кўзини билиб ишлаган кам-кўтсиз, фаровон яшапти. Тўғрида, бунинг учун кимга ким халал беради? Қонунни бузмаса, инсофни ютмаса бўлгани.

Қўнамиз бошида бир тadbиркор йигитга қарашли қондиртер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи бор. Баъзан дам олиш кўнлари ҳам у ерда иш тўхтамайди. Ҳеч қаерда ишламайдиган, ўтган-кетгани тўхтатиб гап сотиш билан кўнни кеч қиладиган қўнлардан бирига бу ёқмабди. "Тағида "Ласетти", хотинчасига "Матиз" обериб қўйганлар бойвачча. Нимасига етмайди, тўшунмайман. Иш-иш деб, мундоқ одамга ўхшаб яшашниям билмайди", деб қолди у.

Аввалроқ ўша — "одамга ўхшаб яшашни билмайдиган" тadbиркор йигит билан ҳамсухбат бўлган эдим. "Буюртма кўп, ҳаммасига улгуриш керак. Мижоз йўқотмаслик учун дам олишсиз ишлагаям тўғри келадиган" деган гапи эсимга тушди.

"Ишчилар-чи, улар бунга нима дейишади", дегандай гап қилувдим

ўшанда. "Бизники оилавий бизнес. Укаларим, сингилларим ишга мендан ҳам олдин келиб, кеч кетишади. Мехнатдан қочишмайди".

Кўшимча шулар ҳақида гапирмоқчи бўлдим у индамай қўя қолдим. Умуман, бунга ҳамма ҳар хил қарайди. Аммо тadbиркор зоти борки, ишини билиб қилаверади. У ўзи ва оиласи фаровонлиги учун ишлайди, изланади, шу аснода эл-юрт маъмуриликка уллуш қўшади. Тадбиркор, бизнесмен, ишбилармон, қандай ном билан атаманг, уларнинг меҳнатидан бир бутун жамият наф қўради. Буни ҳеч ким инкор этмаса керак.

Менимча, гоёяи маҳсулотга айлантира олган кишиларнинг ҳаммасини тadbиркор дейиш мумкин. Олимларнинг буюк кашфиётлари ҳам айнан тadbиркорлик салоҳиятига эга инсонлар сабаб юзага чиққан, десак бироз муболага бўлар. Аммо тadbиркорнинг тadbiri бўлмаганда, эҳтимол, бугун оддий буюмга айланган мана шу уяли телефон аппарати ҳам қўлимизга етиб келармиди? Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Кичик бизнес ва ҳусусий тadbиркорликнинг мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, яъни реал даромадларини ошириш ва бугуннинг долзарб муаммолари — ишсизликни бартараф этишдаги аҳамиятига муносиб баҳо берилмоқда. Жорий йилнинг Юртбошимиз ташаббуси билан "Кичик бизнес ва ҳусусий тadbиркорлик йили" деб номланиши ҳам тadbиркорликнинг бу шаклига берилаётган юксак баҳо ва эътибордан дарак беради. Умуман, ишқилоннинг дастлабки йилларидаюқ бу соҳа ривожини қўллаб-қувватлаш, муносиб шарт-шароит яратишга жид-

Шавкат ЁДГОРОВ,
"Huquq"

дий эътибор қаратиб келинмоқда.

Бунинг самараси сифатида кичик бизнес ва ҳусусий тadbиркорлик мамлакат иқтисодий ривожига ўзининг муносиб уллушини қўшиб келмоқда. Яқин йилларгача импорт маҳсулотлар билан тўлиб-тошган бозорларимизда бугун улардан қолишмайдиган, улар билан рақобатлаша оладиган, ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сони ортиб бормоқда. Нафақат сони, сифати ҳам ошиб, харидорларга маъқул туша-



япти. Хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам сифат жиҳатдан юксалиб бораётганига гувоҳимиз.

Бугунги истеъмоли бозорига назар ташлаб кўрсак, булар шунчаки бандлар парвоз гаплар эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

Буларнинг барчасини, айтиб ўтганимиздек, жамиятда тadbиркорлик кўникмасининг шаклланиб бораётгани билангина изоҳлаш қийин, албатта. Бу, аввало, "Ўзбек модели"га муносиб яратилган ва ислохотлар давомида тақомиллаштириб борилаётган ҳуқуқий асослар билан боғлиқ.

Амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар жараёнидаги бевосита тadbир-

корлик фаолиятига дахлдор жиҳатларга келадиган бўлсак, аввало, иқтисодий фаолият, тadbиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги Асосий Қонунимизнинг 53-моддасида мустаҳкамлаб қўйилганини айтиб ўтиш жоиз. Шу асосда тadbиркорликка қонуний тўс берилди. "Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида"ги Қонун ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига "Фуқаронинг тadbиркорлик фаолияти" деб номланувчи алоҳида институт киритилди (24-модда). Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимосини таъминлашга доир юздан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалга тadbик этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги, "Тadbиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги ва "Тadbиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонлари ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Тadbиркорлик фаолиятини эркинлаштириш жараёни ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Буни тadbиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан қўзғилиши "бир дарча" орқали тез ва сифатли амалга ошириш имконияти, кичик бизнес субъектларини ягона солиқ тўлови шаклидаги соддалаштирилган солиққа тартиб тизими жорий этилганида ҳам кўришимиз мумкин. Шунингдек, текширишлар тартиби тadbиркорлар учун қўлайлаштирилиб, режалар текширишлар муддати ўзгайрилди. Бу эса, тadbиркорнинг ўз иши билан машғул бўлиш ўрнига текширувнинг авзойига қараб ўтиришдай муаммага ечим бўлди.

(Давоми 7-бетда/)

Олий қадрият



(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Масалан, Қўштепа туманидаги Сармозор қишлоғида норасмий равишда оҳак ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган Ш.Содиқов тадбиркор сифатида давлат рўйхатида ўтказилиши натижасида 5 нафар фуқаро ишли бўлди.

Вилоят прокуратураси органлари тааллуқли идораларнинг меҳнат билан банд бўлмаган фуқароларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, ишга жойлаштириш, ишсизлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятларини таҳлил қилиб бормоқда. Вилоятда бандлик муаммосини ҳал этиш борасида муайян ишлар қилинган. Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланган "2011 йилда аҳоли бандлигини тазминлаш ва янги иш жойларини яратиш дастури" га мувофиқ равишда виллоятда бу йил 91246 та янги иш ўринлари яратишнинг мақсадида дастури ишлаб чиқилган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари олдини олиш, ишсизликни бартараф этиб бориш мақсадида касаначилик, оилавий бизнес, кичик бизнес ва сервис соҳаларида иш бошлаш ҳамда ишни кенгайтириш орқали янги иш ўринларининг яратилиши ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. Шу тариқа беш ой мобайнида 39700 та ёки режалаштирилганга нисбатан 104,1 фоиз миқдорда янги иш ўринлари яратилди. Шаҳар ва туманлардаги бандликка кўмаклашиш марказларида рўйхатга олинган 34913 нафар иш изловчиларнинг 30576 нафари ишга жойлаштирилди. 2660 нафар фуқаро жамоат ишларида жалб этилди. 3827 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилди. Рўйхатга олинган ишсизларнинг 907 нафари турли касбларга қайта ўқишга юборилди. 260 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Назорат қилувчи органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг қарори ижросига алоҳида эътибор қаратиляпти. Қишлоқларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини таш-

кил этиб, янги иш ўринлари яратиш чоралари кўрилмоқда. Бевоқифа прокуратура органларининг сай-ҳаракатлари билан йил бошидан буён ўтказилган тадбирлар натижасида қишлоқ ва маҳаллаларда 1200 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Тикувчилик, гилам тўқиш, сут маҳсулотлари, консервалар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, турли хизматларни кўрсатувчи кичик корхоналар иш бошлади.

Вилоятимизда меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган шахслар учун 15320 та иш ўринлари банд этилган. Ноғиронлар, мустақил иш топа олмайдиганлар, жазони ўташ жойидан қайтган шахслар квотали иш ўринларига жойлаштирилмоқда.

Меҳнат ва бандлик муаммосини ҳал этиш йўлларида бири — касаначилик имкониятларидан кенг фойдаланиляпти. Шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида виллоятимиздаги корхона ва ташкилотларда 3410 та ёки режалаштирилганга нисбатан 35 та кўпроқ касаначилик иш ўринлари яратилди. Уларнинг 1924 тасида аёллар касаначилик сифатида меҳнат қила бошлади. Йил бошидан буён шаҳар ва туман прокуратуралари ташаббуси билан 41 маротаба ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида қатнашган 22600 нафарга яқин фуқароларнинг 4189 нафарига ишга йўлланмалар берилди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан ушбу соҳадаги қонун ва қонуности ҳужжатлари, янги иш ўринлари яратишнинг манзилли дастури ижросини таҳлил қилиш жараёнида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари тегишли назорат ҳужжатларини қўллаш орқали бартараф этилмоқда. Хусусан, Бағдод туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда бандликка кўмаклашиш маркази тақдим этган янги иш ўринлари яратилгани ва ишга жойлаштирилгани ҳақидаги маълумотларда кўзбўямачиликка йўл қўйилгани аниқланди. Бағдод шаҳарчаси мўҳим инспекторининг фуқаро У.Абдуллажонов

ва М.Қўшоқовлар туман тиббиёт бирлашмасига ишга қабул қилинганлари тўғрисидаги маълумоти нотўғри бўлиб чиқди. Сохта маълумотларни тақдим этган инспектор интизомий жавобгарликка тортилди.

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан ажратилаётган кредитларга янги иш ўринларини яратиш меҳнат ва бандлик муаммосини ечиш йўлларидадир. Бироқ, айрим "уддабурон" шахслар ушбу жамғармадан ажратилган кредит маблағларини мақсадга мувофиқ сарфламасдан талон-торож қилишдан ҳолатлар ҳам аниқланди. Масалан, Қўқон шаҳридаги "Моҳимбону плюс Нозмехрон" хусусий корхонасининг раҳбари Р.Алиёров жамғарма ҳисобидан ажратилган кредит маблағларига келтирилган 6 донга тикув машиналарини пуллаб юборган, бундан ташқари, касаначилардан йиғиб олинган 2,4 млн. сўм пул маблағларини ўз эҳтиёжига сарфлаган.

Фарғона шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази ва 52-сонли "Гулзор" маҳалла фуқаролар йиғинининг мансабдорлари воғга етмаган фарзандлари учун нафақа олиб турган фуқароларнинг ҳужжатлари нусхаларида фойдаланиб, уларга жамоат ишларида ишлаганлари учун иш ҳақи тўловномаларини расмийлаштириш орқали 1,4 млн. сўм бюджет маблағларини ўзлаштиришган.

Ўтган 5 ойда меҳнат ва бандликка оид қонунлар ижроси ўрганилиб, 15 та протест, 12 та тақдиминома киритилди, 19 нафар шахс интизомий, 20 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Фуқаролар ишлари бўйича судларга 234,8 млн. сўм пул маблағларини ундириш ҳақида 320 та даъво аризалари киритилди. 1 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди. 101 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз раҳбарияти томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган изчил сиёсат олиб боришмоқда. Вилоят прокуратураси органлари бу борадаги қонунчилик ижросини таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик учун нафақалар тайинлаши ва тўлаб борилиши жараёнидаги қонунбузилишларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш чоралари кўрилмоқда.

Ўтган йил мобайнида виллоят назорат-тафтиш, молия бошқармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош-

қармалари томонидан ўзаро ҳамкорликда 639 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган текширишларда 1656 та хонадонларга 164,1 млн. сўм нафақа пуллари асосиз тўлангани аниқланди. Ноконуний тўланган нафақаларнинг ҳаммаси тўлиқ ундирилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтган йили аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид қонунлар ижроси 56 марта таҳлил қилиниб, жами 1668 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 436 та ноконуний қарорларга нисбатан протест келтирилди. 212 та тақдиминомалар киритилди, 403 нафар шахс интизомий, 19 нафар шахс маъмурий, 496 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди. 44,6 млн. сўмлик зарар иктирий ундирилди. 203 нафар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. 30 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди.

Чунончи, Марғилон шаҳридаги Косибчилик МФЙ томонидан турмуш ўртоғининг олаётган иш ҳақи ҳақида сохта маълумотномани тақдим этган М.Исақовнинг 2 нафар воғга етмаган фарзандлари учун 300 минг сўмдан зиёд нафақа гайриконуний тўланган. Сохта ҳужжатларни тақдим этган М.Исақова жиноий жавобгарликка тортилди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан муҳтож фуқароларнинг аризалари қўриб чиқилиб, нафақалар тайинлаши учун шу йилнинг беш ойи мобайнида бюджетдан 35 млрд. сўм маблағ ажратилган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари қишлоқдаги махсус комиссиялар томонидан воғга етмаган фарзандлари бор кам таъминланган хонадонлардан тушган аризаларнинг 29419 таси қаноатлантирилган, 651 таси рад этилган. 13,7 млрд. сўм нафақа пуллари тўлиқ молиялаштирилиб, ойма-ой тўлаб боришган. 2 ёшга боласи бор ишламайдиган 10650 нафар оналар нафақа тайинлаш иш сўраб ариза топширишган. Қаноатлантирилган 10430 та

ариза бўйича жами 18,8 млрд. сўм нафақа тўлаш тайинланган. Кам таъминланган 6953 та оиладан келиб тушган аризаларнинг 6753 таси қаноатлантирилган ҳамда 2,5 млрд. сўм моддий ёрдам пули берилган.

Нафақа, моддий ёрдам таъминлашни сўраб қилинган муурожаатлар ва уларни қўриб чиқиш, нафақа тайинлаш ёки рад этишнинг, молиялаштирилган маблағлар тўлашининг қонунийлиги таҳлил этиб боришмоқда. Шу йилнинг беш ойи мобайнида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш учун 1160 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан нафақа, пенсия, иш ҳақи тўловларидаги узилишлар, қонунбузилишларнинг олдини олиш, ушбу биринчи даражали тўловларни нақд пул билан таъминлашга оид қарорлар ижроси ўрганилмоқда. Банклардаги депозит ҳисоб варақаларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари ҳақидаги қарорнинг бюджет муассасаларига иш ҳақи учун маблағлар бериб турилишига оид талаблари бузилгани учун шу йил 5 ойи мобайнида банк муассасаларининг 7 нафар раҳбарлари маъмурий жавобгарликка тортилди. Нақд пул муомаласи борасидаги қонунлар ижросининг таҳлиллари натижасига кўра 18 та тақдиминома киритилди. 373 нафар маъсўл мансабдор шахс расман огоҳлантирилди, 86 нафар шахс интизомий, 1 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. 4 та ҳолат бўйича жиноят ишлари қўзғатилди.

Прократура органлари ҳодимлари ўзаро чамбарчас боллик бўлган меҳнат ва бандлик, пенсия, нафақа ва иш ҳақи, нақд пул муомаласи борасидаги қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини таҳлил қилиб, қонунбузилишларнинг олди олиниши ва бартараф этилиши устида узлуксиз иш олиб бориляпти. Зеро, Истиқлол Конституциясида белгилаб қўйилган олий қадрият — инсон ҳуқуқлари, давлат ва жамоат манфаатлари ҳимоясини таъминлаш прокуратура органлари зиммасига юклатилган энг муҳим ва масъулиятли вазифалардандир.



Профилактика ишлари кучайтириляпти

Шаҳар прокуратураси томонидан воғга етмаганларнинг назоратсиз қолиб жиноят, ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олиш борасидаги қонунлар ижросига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Хусусан, "Воғга етмаганлар ўрта-сида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида" ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунириш борасида таълим муассасаларида, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилди. Бундан ташқари, прокуратура ҳодимлари ИИБ ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда назорат тадбирларини ўтказишмоқда. Ушбу жараёнда фарзандининг таълим-тарбияси билан боғлиқ мажбуриятларини бажармай келган 68 нафар ота-оналар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Айрим кўнгилочар муассасаларнинг

масъул шахслари ўз болалари тенги ўсирилларнинг тун ярмигача вақтичоғлик қилишлари, бунинг оқибатида назоратсиз қолиб, ҳуқуқбузарлик содир этишлари эҳтимолига беларво қараган ҳолатлар учрамоқда. Чунончи, шу йил 14 июнь куни ўн олти-ўн етти ёшга кирган Алишер Мадғозиев ва Абдурашид Парпиевлар ота-оналари ёки уларнинг ўрини босувчи шахсларнинг қузатувисиз тунги соат ўн бирда Ўстиндўз кўчасида 8-ўйда жойлашган Ш.Джалиловга қарашли компьютер ўйинлари хонасида турли ўйинларга берилиб ўтиришгани аниқланди. Ўтказилган тадбирларда бу каби қонунбузилишига йўл қўйган 20 нафар шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги масаласи ҳал қилиниб, қўнғил очиш соҳасида фаолият кўрсатаётган муассасалар раҳбарлари расман огоҳлантирилди.

"Таълим тўғрисида" Қонун ижроси мунтазам равишда ўрганиб боришмоқда. Йил бошидан буён ушбу соҳада ўтказил-

ган таҳлилларда аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳақида жойларга 13 та тақдиминома киритилди. 39 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилишларга нисбатан 3 та жиноят иши қўзғатилди.

Қўқон шаҳридаги 41 та умумий ўрта таълим, 4 та мусика ва санъат, 2 та спорт мактабларида болалар юқори савияда таълим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилляпти. Болаларнинг беш вақтларини мазмунли ўтказишларига шарт-шароит яратиш мақсадида умумтаълим мактабларида 300 та фан тўғрақлари, 250 та спорт тўғрақлари, спорт мактабларида эса 350 та спорт секциялари ташкил қилинди. Спорт секцияларига 31800 нафарга яқин болалар мунтазам қатнашмоқда. Республика Президентининг "Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қабул қилинган Қарори асосида 31 та таълим муассасала-

Музаффар АБДУРАҲМОНОВ,
Қўқон шаҳар прокурори

ри қўшимча равишда 17 млн. сўмлик спорт анжомлари билан таъминланди.

Шаҳарда замонавий талабларга жавоб берадиган янги болалар мусика ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Мавжуд мусика мактаблари зарур ускуна ва анжомлар билан тўлиқ таъминланди.

Шаҳар прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда фарзандларимизни ҳуқуқбузарлик қўчасига кириб қолишидан асраш, истиқлол ғояларини рўйбга чиқарувчи кимил инсонлар бўлиб воғга етишлари учун таълим-тарбия ишларининг янада юқориқор савияга кўтарилишини таъминлаш борасида режалар иш олиб бормоқда.



Бевосита манраатдорлик омили

Мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ ҳўжалиги етакчи ўринни эгаллайди. Қишлоқ ҳўжалигини ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Собиқ ширкат ҳўжаликлари ўрнида ташкил этилган фермер ҳўжаликларининг иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги амалда тасдиқланмоқда. Бунинг тўғрисида мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ерининг, унган олажақ даромадининг аса эгасига айланган фермер ҳўжаликлари раҳбарлари контрактиция шартномаларини адо этишяпти. Бевосита манфаатдорлик жон кўйдириб ишлашга ва юқори натижаларга эришишга ундавчи омига айланмоқда.

Фермерлар олаётган даромадларини ерининг унмодорлигини, экинлар ҳосилдорлигини оширишга, янги техника воситалари харид қилиш билан бирга яшаб турган қишлоқларини ободонлаштиришга, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, турли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашга ва ихтисослашган кичик корхоналарни барпо этишга сарфлашмоқда. Аҳоли зич қишлоқларда янги иш ўринлари яратиб, меҳнат ва бандлик муаммосини ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўйишмоқда.

Туман прокуратураси Республика Президентининг "Қишлоқ ҳўжалигини ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни таҳлил қилиб бормоқда. Утган йили ўтказилган таҳлилларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун 850дан зиёд прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилди. 6 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди. Фуқаролик ишлари судига жами қиймати 53,5 млн. сўмлик 171 та, ҳўжалик судига

192 млн. сўмлик 61 та давво аризалари киритилди.

Қонунбузилишларни бартараф этиш, ерни тайёрлашдан тортиб, экинлар парвариши, ҳосил йиғиб олинунигача агротехника қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш, уруғлик, минерал ўғит, техника воситалари таъминотидаги узилтиларнинг олдини олиш, фермер ҳўжаликлари муаммоларини ҳал этиб бориш борасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида туманда пилла, дон ва пахта етказиб беришга оид контрактиция шартномалари ортиги билан бажарилди. 195 тонна пилла, 18268 тонна галла, 17859 тонна пахта етказиб берилди.

Фермер ҳўжаликларига уруғлик, минерал ўғит, техника воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари ажратиб бериш, сув билан таъминлаш борасидаги сансалорликларга чек қўйилди. Уларнинг ҳар бир мурожаатлари атрофчида ўрганилиб, қонуний ҳал этилмоқда. Чунончи, "Қораёзбоқ" фермер ҳўжалиги раҳбарининг аризаси ўрганилди. Фермер ҳўжалигининг кредит ажратиш шартномаси бўғиш аризасини жавобсиз қолдирган "Агро-банк" Яйпан филиалининг бошқарувчиси М.Хамидов

иқтисодиёт бўлими бошлиғи А.Ибрагимов интизомий жавобгарликка тортилди. Фермер ҳўжалигига кредит ажратиб берилди. Худди шунингдек, прокуратура аралашуви билан "Жўраҳон Бузруков" фермер ҳўжалигига "Класс Доминатор" русумли дон ўриш комбайни сотиб олиши учун банк кредити ҳавола этилди.

Туманимиз деҳқонлари бу йил ҳам барча экинлардан мўл ҳосил етиштириш мақсадида астойдил ишлашяпти. Айни чоғда бошоқли дон ўрими ниҳоясига етмоқда. Туман прокуратураси томонидан донни нест-нобузд қилмасдан ўриб олишни таъминлаш ҳусусида ўримга масъул бўлган туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи, "Ўзбекистон МТП" давлат акциядорлик жамияти раиси, "24-автокорхона" раҳбари, 9 та ММТП ларнинг раислари расман огоҳлантирилди. Ўрим уюшқоқлик билан ўтказилиб, дон нобудгарчилиги, талон-торож қилинишининг олди олинмоқда.

Қўшимча 205 гектар, жами 6278 гектар майдондаги ўза парваришида агротехника қоидаларига амал қилинишни мониторинг тарзида ўрганилмоқда. Ушбу жараёнда 143 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 108 та фермер ҳўжаликларининг раҳбарлари огоҳлантирилди. 5 та тақдимномалар киритилди. 2 нафар шахс интизомий, 10 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Қўрилаётган чоралар фермер ҳўжаликлари раҳбарларининг масъулиятини оширмоқда.

Туман ҳокимлигининг ер ажратишга оид қарорлари ўрганилганда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Хусусан "Саршох Абдуқодир", "Абдурахмон Абдухамид Қўшанок", "Сохибор Тоғай", фермер ҳўжаликлари ва Фуқаро Х. Насриддиновга шийпон, иссиқхона қурилиши учун ер ажратиб бериш ҳақида қарор чиқарилиб, тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралмаган. Тагин 14 та ҳолатларда турли мақсад-

Одильон ХУДАЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон туман прокурори

лар учун ер ажратишига оид қарорлар вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқлашти олилмаган.

Туман ҳокимлигига киритилган тақдимномага мувофиқ камчиликлар бартараф этилди. 48,3 гектарга қўшимча экилган бошоқли дон бўйича шартнома тузилиши таъминланди. Бошоқли дон экилмай қолган 36,8 гектар майдонда пахта етиштирилмоқда.

Аксарият фермер ҳўжаликлари кредит маблағларини мақсадга мувофиқ сарфлашяпти, иш самарадорлигини ошириб кўпроқ фойда олишни қўзлашяпти. Шу билан бирга, айрим фермер ҳўжаликлари раҳбарлари бойлик кетидан қувиб зиммаларига олган мажбуриятларини унутиб қўйган ҳолатлар учрамоқда. Хусусан, "Саршох Абдуқодир" фермер ҳўжалиги трактор ва плуг сотиб олиш учун "Агро-банк" Яйпан филиалидан 62,3 млн. сўм миқдорига кредит олган эди. Кредитнинг мақсадида мувофиқ сарфлангани ўрганилганда ушбу маблағ Учқўрлик туманидаги "ООО Lochin security service" ҳусусий корхонасининг ҳисоб рақамига ўтказилиб, нақдлаштириб олингани ва талон-торож қилингани аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

2011 йил учун тузилган Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш дастури ижроси-

нинг таҳлилида ҳам бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Чунончи, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича шартномалар тузиш, олдиндан бўнак ва аванс пуллари тўлаш ишлари бажарилмай қолган. Туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси томонидан атиги 2 та фермер ҳўжаликлари билан 200 тонна узум етказиб берилиши ҳақида шартнома тузилган, ҳолос. Уларга ҳам олдиндан 30 фоиз бўнак ва аванс пуллари тўлаб берилмаган.

Ушбу ҳолат бўйича туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Ҳукумат топширгани бажаришга масъул бўлган ҳокимнинг ўринбосарлари, "Маҳалла" жамғармасининг раиси, туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасининг бошлиғи огоҳлантирилди. Худди шунингдек, наслиқлик ишларини яхшилаш, чорва моллари бош сонларини қўпайтириб боришдан иборат вазифаларига совуққон муносабатда бўлган 12 та зооветеренария шохобчаларининг раҳбарлари огоҳлантирилиб, туман ветеренария бўлими бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

Қўрилган чоралар ўз самарасини берапти. Камчилик ва нуқсонлар бартараф этилиб кўпроқ, сифатлироқ маҳсулотлар етиштириш имкониятлари кидириб топилапти ва ишга солинапти. Туманимиз ахли истиқболнинг 20 йиллигини барча соҳаларда қўзланган марраларни эгаллаб қарши олиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда.

Фарғона вилояти -

Фарғона вилояти 1938 йилда ташкил этилган бўлиб, худуди 6,759 минг кв. км.

Вилоятда 4 шаҳар, 15 туман, 197 та шаҳар типидagi посёлкалар, 161 та ҚФЙ, жами 1226 та аҳоли яшаш пунктларида 3 млн. 138,7 минг киши истомқат қилади.

Вилоят бўйича 49740 та (2011 йил 1 июль ҳолатига) тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. 168 та касалхона, 293 та қишлоқ врачлик пунктлари хизмат кўрсатиб келмоқда. Вилоятда 5 та олий ўқув орти, 144 та касб-хунар коллежи, 12 академик лицей, 922 та мактаб ва 700 та мактабгача таълим муассасалари фаолият юритиб келмоқда.



Фуқаролар хизматида

Ҳокимият идоралари, муассаса ва корхоналарда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя қилиниши таҳлил қилиб бормоқда. Аризалар айрим мансабдор шахсларнинг лоқайликлари, бефарқликлари, хизмат бурчларини виждонан бажармаганиклари туфайли белгиланган тартибда қўриб чиқилмаган, сансалорликка солинган ҳолатларга нисбатан қонунда қўзда тутилган таъсир чоралари қўлланилган. Шунингдек, бевосита прокуратурага ёзма ва оғзаки мурожаатлар қонуний ҳал этилмоқда.

Хусусан, Янгикўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи педагог, собиқ директор Ш.Абдураимова 3-сонли умумтаълим мактабидagi қонунбузилиш ҳолатларини тилга олган. Мутахассислар иштирокида унинг аризасида баён этилган ҳолатлар атрофчида ўрганилди.

Ушбу жараёнда аниқланишича, мактаб маъмурияти Вазирилар Маҳмадасиннинг "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори талабларига риоя қилмаган. Сармоядан ташқари маблағлар қирими ва чиқими бухгалтерияда тегишли тартибда ҳисобга олиб берилмаган. Расман ишламаган бобгон А.Худойкулов томонидан мактаб худудида етиштирилган узум ҳосили 1 млн. 600 минг сўм нақд пулга сотилган. Ушбу маблағ мактаб газнасига тўлиқ қирим қилинмаган.

Салкам 1 млн. 100 минг сўми банкдаги сармоя ҳисоб рақамига топширилмасдан сарфланган. Бухгалтерияга қирим қилинмаган маблағнинг 480 минг сўмини мактаб директори А.Охунов 2010 йил 20 мартда тузилган ўзаро шартномага биноан, даромад солиғи чегираси қилинмаган ҳолда фуқаро А.Худойкуловга иш ҳақи сифатида бериб юборган. 210 минг сўмига ўғит олиниб богга солинган, яна 400 минг сўми директорга овоз кучайтиргич олиб бериш учун сарфланган. Бироқ ушбу сарф-харажатлар бухгалтерия қирим-чиқим ҳисоботларида акс эттирилмаган. 1 млн. 600 минг сўм узум пулининг 504 минг сўмигина мактабнинг сармоя ҳисоб рақамига қирим қилинган, ҳолос. Худди шунингдек, 911 минг сўмлик металл топширилиб, эвзасига бинолари таъмирлаш учун олинган ва ишлатилган бўёқ, мих ва бошқа қурилиш ашёлари ҳам бухгалтерияда қирим-чиқим қилинмасдан ишлатиб юборилган.

Мактабда чет тили ўқитувчиси дипломига эга бўлмаган ўрта махсус маълумотли Х.Тоғиева, олий таълим муассасасининг бошқа факультетларида ўқийётган, тугалламаган олий маълумотли С.Фофурова, Н.Мухторова, Д.Ўринбоевалар ихтисосликларига тўғри келмайдиган инглиз тили фанидан дарс беришган.

Ходимларни ишга қабул қилишда

Меҳнат кодексининг 82-моддаси талабларига риоя қилинмаган. Ишга қабул қилинган 8 нафар тарбиячи ўқитувчилар билан меҳнат шартномалари тузилмаган, буйруқлар ҳодимларга маълум қилиниб, тилхатлар олинмаган. Меҳнат кодексининг 81-моддасига зид равишда текшириш кўнига қадар уларга меҳнат дафтарчалари юритилмаган. Бундан ташқари, ишдан бўшаган икки нафар ўқитувчи билан тузилган меҳнат шартномалари қандай асосларга биноан бекор қилинган кўрсатилмаган.

Юқорида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилди, бунга йўл қўйган мансабдор шахслар жавобгарликка тортилди.

Айрим идоралар ҳодимларининг лоқайликлари ҳақида эътирозларни келтириб чиқаряпти. Хусусан, Олтиариқ туман бўлимининг суд ижроси Ф.Аббаров Фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг фуқаро М.Абдурасуловага жавобгар А.Жўраевдан маънавий зарарини ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарори ижросини олти ой мобайнида пайсалга солиб келган. М.Абдурасулова ёрдам сўраб вилоят прокуратурасига мурожаат этган. Ушбу ариза ўрганилганда суд ижроси фаолиятидаги масъулиятсизлик, пала-партишлик ҳолатлари аниқланди. Ф.Аббаров суд қарори асоси-

да жавобгарнинг мол-мулкни аниқлаб, рўйхатга олиш чораларини кўрмаган. Пала-партишлик билан жавобгар А.Жўраева ишлайдиган 36-умумтаълим мактаби бир ёқда қолиб, у ишламайдиган 36-мактабгача таълим муассасасига иш ҳақидан 40 фоизини ушлаб қолиб, почта орқали ундирувчининг манзилига юбориш тўғрисида талабнома чиқарган. Маънавий зарар ундирилмасдан туриб ижро ишини تامомлаш ҳақида қарор нусхаси, ижро варақасини Фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судига жўнатган.

Туман прокуратураси ўтказган текшириш мобайнида М.Абдурасуловага маънавий зарар тўлиқ тўланди. Хизмат вазифасини бажармаган Ф.Аббаровни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида иш қўзғатилди.

Туман прокуратураси томонидан фуқароларнинг мурожаатлари қонунда белгиланган тартибда қўриб чиқилган, ҳақли талаблари қондириляпти, бузилган ҳуқуқлари тикланяпти. Бинобарин, Юртбошимиз таъкидлаганидай, ҳалққа, фуқароларга хизмат қилиш, барча ҳокимият, бошқарув идоралари қатори, прокуратура органлари ҳодимларининг ҳам бурчирид.

Анатолий МИРЗАЕВ,
Олтиариқ туман прокурори

Буюк келажакка соғлом авлод билан

/Давоми. Бошланиши 3-бетда/

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида эса, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишини, уларнинг истеъмолини чеклашга қаратилган "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмоли қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси депутатларнинг қизгин баҳс-мунозаралари, таклиф-мулоҳазаларидан сўнг қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Мазкур қонун 5 та боб, 29 та моддадан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади фуқаролар, айниқса, йигирма ёшга тўлмаган шахслар орасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқатилиши ва истеъмоли қилинишини чеклашга, пировардида эса, ушбу маҳсулотларнинг фуқаролар соғлиғига салбий таъсирини камайтиришга қаратилган.

Қонуннинг ҳар бир боб ва моддалари алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмоли қилинишини чеклашга, уларнинг реализация қилинишига доир чекловларни амалга оширишга, шу билан бирга, жамоат ҳолиларида уларни сотиш, чекиш каби ҳолатлари бартараф этишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга молик.

Ҳақон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан тарқатилган статистик маълумотларга қараганда, аксарият кашандалар чекишни 18 ёшга тўлмай туриб бошлашаркан. Шу тўғрисида ҳам янги кашандаларнинг чорак қисмини вояга етмаган болалар ташкил этади. Мазкур рақамлардан шу нарсани аққол англаш мумкинки, ичиш ва чекишга қарши курашни аввало ёшлардан бошлаш лозим.

Демак, мазкур чекловларни дастлаб ёшлар ўртасида татбиқ этишда "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмоли қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мазкур ҳуқуқий ҳужжат 20 ёшга тўлмаганлар ўртасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолини, уларнинг тарқатилишини, сотилишини, таълим муассасаларига яқин савдо шохобчаларида бу маҳсулотлар сотувини чеклаш, мазкур маҳсулотлар идишларини диққатни тортадиган қилиб безамаслик, аксинча, уларнинг зарари ҳақида катта ҳарфлар билан ёзиш, жамоат ва ўқиш жойларида чекишни тақиқлаш, унинг истеъмолини тарғиб қилмаслик имконини беради.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда қонунда кинотеатр, театр, музей, цирк, концерт ва кўргазма заллари, иш жойлари, тиббиёт муассасалари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бинолари, спорт иншоотлари, таълим ва тарбия муассасалари, болалар ва ёшлар дам олиш жойлари, жамоат транспортини ҳамда шунга ўхшаш жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмоли қилишни тақиқлаш қонун нормалари билан белгиланмоқда. Шу билан бирга, спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини олиб келиш, сотиш билан шуғулланувчи шахслар фаолиятини тартибга солишда ҳам ушбу қонун муҳим омили бўлади.

Унутмаслик лозимки, иллатга қарши курашда давлат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмоли қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатлари, бевосита иштироки муҳим аҳамиятга эга. Зотан, бундай ҳолатларда бирдамликка ҳаракат қилиш натижасида кўпроқ ижобий самараларга эришиш мумкин.

Шу боис ҳам қонуннинг 2-боби ҳамда мазкур бобдан ўрин олган бир қатор моддаларда тегишли давлат идоралари ҳусусан, Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига алкоголь маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмоли қилинишини чеклаш жараёнида муайян ваколатлар берилмоқда.

Маълумки, шу кунга қадар алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш, сотиб олиш жараёнида исталган жойда, у жамоат жойи бўладими, таълим муассасасими, бундан қатъий назар, амалга оширилмаверар эди. Мазкур қонунда ушбу ҳолатлар ҳам алоҳида эътиборга олиниб, маҳсулотларнинг реализациясига доир бир қатор чекловлар жорий этилмоқда.

Ҳусусан, қонуннинг 12-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини йигирма ёшга тўлмаган шахсларга, таълим, спорт ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам доирада жойлашган савдо объектларида, жамоат транспорти бекатларида, шу жумладан, метрополитен бекатлари ёнида жойлашган савдо объектларида, жамоат ва дам олиш жойларида, соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудида ушбу муассасалар ҳамда ишлаб чиқариш қорхоналарининг ошоналарида, шунингдек, аэропортлар, темир йўл вокзаллари ва автомобиль шох бекатларида туташ жойларда, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сақлаш ҳамда реализация қилишнинг санитария нормалари ва қонидларига номувофиқ бинолар ва жойларда реализация қилиш тақиқланмоқда.

Шу билан бирга, энди алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реализация қилидиган шахслар йигирма ёшдан ёшроқ кўринган харидордан унинг ёштини тасдиқлайдиган ҳужжатини кўрсатишини талаб қилиши, ҳужжат бўлмаган тақдирда эса, маҳсулотни реализация қилишни рад этишлари шарт. Зеро, бу қонуннинг 14-моддасида қафолатлаб қўйилмоқда.

Акс ҳолда, бундай ҳолатларга йўл қўйган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли жавобгарликка тортиладилар.

Албатта, ҳар қандай қонуннинг жорий этилишида аввало фуқаролар манфаати кўзда тутилади. Зеро, демократик тамойилларга асосланган давлатда қонун устуворлиги, унинг ижро маъмулиятига жиддий ёндашилади. Шу нуктага назардан, "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмоли қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам ҳалқимизни, миллатимиз келажакки саналмиш ёшларимизни ичкиликбозлик, кашандалик каби салбий иллатлардан асрашда, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.



Ш.ҚУШОКОВ,

Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Ҳар бир олам ўз ҳаётини қурур экан, албатта, бирор-бир мулкка эга бўлиш, мавжуд мулкнинг янада қўпайтиришга интилади. Бунинг ҳар ким ўзи муқтали равишда ёки ўзга шахснинг ёрдами билан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда бу каби фаолиятнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, мулк олиш, сотиш хизматларини кўрсатиш фаолияти қонун тили билан айтганда, риэлторлик деган ном билан атала бошланди. Бошқача қилиб айтганда, риэлторлик - тадбиркорлик турлидирдан бирига айланди.

Риэлторлик фаолияти - юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти бўлиб, ваколатли давлат органи томонидан берилмаган риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширилади.

Риэлторлик ташкилоти эса қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Риэлторлик ташкилоти шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти бўлиб, ваколатли давлат органи томонидан берилмаган риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас ҳамда у давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

Риэлтор эса, малака сертификатига ва лицензияга эга бўлган, яъна тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахс бўлиб, риэлторга лицензия кўчмас мулк бозорида фақат ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун берилди.

Риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бўлиб, у риэлтор ва риэлторлик ташкилотларига лицензия беради, қайта расмийлаштирилади, лицензия талаблари ҳамда шартларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширилади, лицензиянинг амал қилинишини ўн ўн кундан ошмаган муддатга тўхтатиб туради. Қайта тиклаш, тугатиш ва лицензияни бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилади. Бу ҳақдаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилади, малака сертификатлари беради, унинг амал қилиниши тугатиш ва бекор қилади, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатларини амалга оширилади.

Малака сертификатига эга бўлган шахснинг розилиги, риэлторлик хизмати кўрсатиш давомида олинган маълумотларнинг розилигисиз учинчи шахсларга тақдим этилиши, бир йил ичида икки мартадан кўп қонун ҳужжатлари бузилиши, малака сертификатининг риэлторлик фаолиятида фойдаланиш мақсадида бошқа жисмоний шахсга берилиши, суд томонидан фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши, фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилиши ёки муомала лаёқатининг чекланиши ҳолатлари малака сертификати амал қилинишининг тугатилишига асос бўлади.

Малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорнинг ноконунлиги ҳамда малака сертификатининг қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги ҳолати эса малака сертификатининг бекор қилинишига асос бўлади.

Кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғида риэлторлик ташкилоти воситачилик хизматини кўрсатади. Бунда у мазкур битимларнинг бевосита тарафи бўлиши мумкин эмас.

Кўчмас мулк объектлари савдосини ўтказиш ва унинг якунлари ҳақидаги хабарномаларни тайёрлаш ҳамда эълон қилиш, савдога қўйилаётган кўчмас мулк объектларини реклама қилиш, савдода иштирок этиш ушбу буюртмаларни қабул қилиш ва ҳисобга олиш, закалат тўғрисида келишувлар тузиш, савдосини ўтказиш, ўтказилган савдо якунларига доир баённомани расмийлаштириш, сотувчилар ва сотиб олувчилар ўртасидаги ҳисоб-китоб учун шарт-шароит яратиш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа хизматларни бажариш кўчмас мулк объектларининг савдосини ташкил этиш хизматида қиради.

Риэлторлик ва риэлторлик ташкилоти ўз хизматларини ва буюртмачининг кўчмас мулк объектларини реклама қилиш, риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси талаблари буюртмачи томонидан бажарилмаган тақдирда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан риэлторлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур ахборотни белгиланган тартибда олиш ҳуқуқларига эга.

Риэлтор ва риэлторлик ташкилоти буюртмачининг талаби-га биноан лицензия ва малака сертификатини кўрсатиш, ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш, риэлторлик хизмати кўрсатиш чоғида буюртмачининг манфаатларини йўқотмаслик, риэлторлик хизматлари кўрсатиш давомида олинган махфий ахборотларни ошкор этмаслик ва бошқа қатор мажбуриятларни бажариши лозим.

Буюртмачи эса лицензия ва малака сертификати кўрсатилиши талаб қилиш, риэлторлик хизматлари кўрсатиш


ҳақидаги шартнома бажарилишининг бориши ҳақида ахборот олиш, риэлторлик хизмати кўрсатиш шартномаси бажарилмаган тақдирда шартномани бекор қилинишини талаб қилиш, риэлторлик хизмати кўрсатиш шартномаси бажарилмаган тақдирда етказилган зарарнинг ўрни қопланишини ва маънавий зийннинг компенсация қилинишини талаб қилиш, ҳуқуқлари бузилган тақдирда давлат органлари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳамда риэлторлик ташкилотлари, риэлторлар бирлашмалари, шунингдек, судга мурожаат қилиш каби ҳуқуқларга эга.

Шу билан бирга, буюртмачи риэлторлик хизматлари ҳақиқи шартномада белгиланган тартибда тўлаш, битим предмети бўлган кўчмас мулк объекти, унга бўлган риэлторлик ҳақидаги ўзи ва бошқа ҳуқуқ эгалари тўғрисидаги ишончли ҳамда тўлиқ маълумотлар ва ҳужжатларни риэлторлик ташкилоти ёки риэлторга тақдим этишга мажбур.

Риэлторлик хизматлари кўрсатиш чоғида риэлторлик ташкилоти ўз мижози билан тузилган шартнома нусхасини илова қилган ҳолда ёзма равишда сўровга асосан юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи, кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи, давлат солиқ хизмати, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари, ички ишлар бўлимлари, давлат нотариал идоралари, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, бандликка қўмақлашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, пенсия жамғармаларининг туман ва шаҳар бўлимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва ҳалқ таълими бўлимларидан шартномага алоқадор ахборотларни сўраб олишга ҳақлидир.

Ушбу давлат органлари ва ташкилотлар томонидан риэлторлик ташкилоти ва риэлторга тегишли ахборотлар тақдим этиш рад этилганида, риэлторлик ташкилоти ва риэлтор юқори турувчи орган, мансабдор шахс ёки судга шикоят қилиши мумкин.

Бу каби фаолиятни тартибга солишга қаратилган қонун қабул қилишдан қўзғалган асосий мақсад - кўчмас мулк бозорини тартибга солувчи қонунчиликни кенгайтириш, риэлторлик хизматидан фойдаланувчиларнинг қонуний ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, риэлторлик ташкилотлари ва риэлторларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини тегишлича бажариш механизмни яратиш, кўчмас мулкнинг бирламчи ва иккиламчи бозорлари барқарор ривожланишини таъминлаш, ушбу бозорнинг барча иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни маъқуллаштиришдан иборатдир.



Бозорлар — фаровонлик тимсоли

Юртимизнинг ободлиги ва фаровонлигида бозорлар ва бошқа савдо масканларининг ўрни бекиёс. Айтишларича, бир доно, эл кезган мусофир бирор юртга борса, дастлаб шу ернинг бозорига кирар экан. У бозор орқали сотувчи ва хариддор ўртасидаги муносабатларга, тозаллик ва осудаликка қараб шу юрт, халқнинг яшаш тарзи ҳақида тасаввурга эга бўлар экан.

Ҳақиқатдан ҳам бозорлар тўқинчилик, фаровонлик рамзи. Шу сабабдан ҳам халқимизни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлайдиган маскан бозор ҳисобланади. Халқимиз азалдан савдо-сотиққа алоҳида эътибор бериб келган. Савдо қаровонаримиз у ёғи Хитой Хиндистон, бу ёғи Европага бориб савдо қилишган. Бу албатта, яхши натижалар берган. Айниқса, Самарқанднинг Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги ва савдо қаровонлари ўтганлиги айнан шу заминнинг гуллаб-яшнаши учун хизмат қилган. Самарқанд бозорлари дунёнинг савдо тизимига ўз хиссасини асрлар давомида қўшиб келган.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темури ҳам Самарқанд бозорларига алоҳида эътибор қаратиб келганлиги барчага маълум. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарқанд бозорлари ҳақида "Бобурнома" да тўққинчилик ёзиб қолдирган. У Самарқанднинг ажиб ораста шаҳарлигига, ўзига хос бозорига, қоғози ва қирмиз баҳамли, асрлар оша жаҳонни

лол қолдириб келаятган нововойлиги ва ошпазчилигига юксак баҳо берган.

Бугун бозорларимизда вазият қандай, бу масканларда амалдаги қонунчиликка қай даражада риоя этилмоқда, деҳқонларга яратилаётган шарт-шароитлар, маҳсулотлар сифати, сотувчи ва хариддор муносабатлари борасида вилоят прокуратураси Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи Алишер ХУДОЙБЕРДИЕВ билан суҳбатда бўлдик.

— Алишер ака, вилоятимиз бозорларидаги бугунги аҳвол, деҳқон ва хариддорларга яратилаётган шарт-шароит ҳамда қулайликлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Савдо ва бозор муносабатлари энг муҳим ва эътибортаб масалалардан биридир. Барча шаҳар ва туман деҳқон бозорларида деҳқонларнинг ўзлари етиштирган маҳсулотларни тўғридан-тўғри келтириши, сақлаш ва сотиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тушириш ва юклаш учун махсус майдонлар ажратилган. Автотранспорт тўхташ жойлари ишлаб турибди. Улгуржи савдо-харид қорхоналари ишини фаоллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Истеъмолчиларга кенг қулайликлар ва шарт-шароитлар яратилиб, ободонлаштириш, таъмирлаш, қайта таъмирлаш ва қурилиш учун маб-

лағлар ажратилаяпти ва бу маблағларнинг максатли ишлатилишига эътибор берилмоқда. Самарқанд шаҳридаги "Сиёб" деҳқон бозорида янги 130 та қўшимча расталар ташкил этилди. Шунингдек, 1140 та савдо расталарига эга бўлган Пайариқ туманидаги "Челак" деҳқон бозори, 1300 та савдо расталарига эга бўлган Пастдарғом туманидаги "Мева-сабзавот деҳқон бозори" янгидан қурилди. Бу ана шу жойларда яшайдиган аҳолига қулайликлар яратиш билан бирга арзон маҳсулотларга бўлган талабини бир қадар яхшилайти деб ўйлайман.

Узоқ масофадан маҳсулот олиб келган деҳқон ва фермерлар маҳсулотларни жойлаштириши учун аксарият деҳқон бозорларида омборхоналар ишлаб турибди. Таққиланган товарлар сотилишининг олдини олиш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиши ва давлат ветеринария назорати бўлими малаи лабораторияларининг маҳсулотларни ветеринария қоидалари ва норма талабларига мувофиқлигига доир назорат қилинаёпти. Юқоридаги барча ҳолатлар прокуратура органларининг доимий назоратидadır.

— Самарқандимиз бозорларига маҳсулот етказиб бериш ўз-ўзидан бўлмайди. Биринчидан, аҳоли кўпчилигини ташкил этади. Иккинчидан, шаҳар аҳолиси сифатли маҳсулотларга эътибортаб.

— Тўғри. Вилоят прокура-

тураси, маҳаллий ҳокимият Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси Самарқанд вилоят бўлими ташаббуси билан бозорларда улгуржи харид қилиш ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан шартномалар тузишга киришилган. Самарқанд шаҳридаги "Мармар" деҳқон бозори ҳудудда фаолият кўрсатаётган "Жавлонжон савдо" шўъба қорхонаси томонидан 2011 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини захирага жамлаш билан шартнома тузилган. Унга кўра 87 тонна кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш кўзда тутилган. "Жомбой" деҳқон бозори ҳудуддаги "Шохрух Мисирис Шаропович" савдо харид қорхонаси томонидан 2011 йил учун тумандаги "Умаров Муродхон ота", "Туроб бобо", "Холмонов Файзи ота" фермер хўжаликлари ва "Жомбой ишонч савдо" ХКлари билан катта миқдорда маҳсулотлар етказиб беришга келишилган. Бу тадбирлар барча бозорларда ташкил этилган.

Шу билан бирга, маҳаллий ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг сазй-ҳаракати билан вилоятдаги деҳқон бозорларига 181 миллион сўмдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари арзон нархларда етказиб берилди ҳамда аҳолига сотилди.

— Бозор маъмурияти томонидан қонунбузилиш ҳолатлари учраб турибдими?

— Баъзи бозор маъмурияти ходимлари томонидан ҳам қонунбузилишлар содир этилаёпти. "Челак деҳқон бозори" бозор паттачиси Икром Юнусов 2010 йилнинг 5 сентябрида бозорда савдо қилувчилардан бир савдо ўрни учун 2400 сўмдан нақд пул олган. Назорат-касса машинасидан чек ёки унга тенглаштирилган бир мартикал патта бермаган. Унга нисбатан маъмурий жарима қўлланилганига қарамай, "Челак деҳқон бозори" МЧЖ раисининг озғани топшириги билан яна патта пули териб олган. Лекин яна чек бермаган. Бундан ташқари, бозор раҳбари фуқаро Мурод Аббосовни бозор ҳудудидagi "Автомобиллар тўхташ жойи"га норасмий паттачи этиб тайинлаган. У эса бемалол ноқонуний йилган 2 млн. 515 минг сўм пулни ўзлаштириб юборган.

Бундан ташқари, "Пайариқ қурилиш ва ободонлаштириш" дирекцияси бошлиғи Бехзод Қулбўлдиёев ходими Фарход Ҳамроев билан тил бириктириб, бозор ҳудудидagi савдо дўконларини ноқонуний равишда ихарага берган. Тўшган 3 млн. 600 минг сўмни дирекция, бозор ёки банк ҳазинасига топширмадан талон-торож қилишган. Ҳозирда ушбу қимсалар устидан жиноий иш қўзғатилган.

Хулоса қилиб айтганда, бу каби ишлар бозорларимизда тартиб-интизом ва ободончиликка эътиборнинг бир қисми, холос. Бу каби эзгу амаллар ҳали давом этади.

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ
суҳбатлашди

Тараққиёт ва фаровонлик сари

[Давоми. Бошланиш 3-бетда]

Сўнги йилларда, муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, "кичик бизнеснинг хўжалик фаолиятига асосий равишда аралашадиган, уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожланишига ёрдам кўрсатиш ўрнига, халақит берадиган турли хил назорат идораларини тартибга қайириш" борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини назорат қилувчи органлар ваколатлари аниқлаштириб қўйилди, қонунга зид текшириш учун қатъий юридик жавобгарлик белгиланди. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий чора қўллаш фақат суд томонидан амалга оширилиши белгиланб қўйилди. Шу билан бирга, тадбиркор хатога йўл қўйганида молиявий санкция қўлламасдан, содир этилган ҳуқуқбузарлиқни бартараф этиш имконини берувчи таъсир чоралари белгиланди.

Аммо афсуски, тадбиркорликка ўғай кўз билан қараб, уларнинг фаолиятига асосий аралашиб, ноқонуний текширишлар ўтказиш, "сен биз-

нес ортидан пул топяпсан, бизнинг тирикчилик нима бўлади?" қабилида тамағирлик қилиш, турли хил сўнғий тўсиқлар қўйиш каби асло муроса қилиб бўлмайдиган ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Тадбиркорга йўл бермаслик, тараққиётга, эл-юрт фаровонлигига тўсиқ бўлиш билан баробардир. Шу боис, бундай иллатларга қарши кураш доғзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Бу борада олиб борилаётган ишларни Республикаимиз прокуратура органлари фаолияти мисолида қўриб чиқишимиз мумкин.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида жойлардаги давлат бошқарув органлари, назорат-текишув органлари, архитектура ва қурилиш, ер ресурслари ва кадастр хизмати, солиқ, банк идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш, уларга турли бюрократик тўсиқлар яратиш, фаолиятига асосий аралашиб каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аён бўлмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорада 242 та тадбиркорлик субъектлари-

нинг ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланган бўлиб, шундан 30 та ҳолатда мурожаатлар қонунда белгиланган муддатда қўриб чиқилмаган, 10 та ҳолатда улардан ортиқча йиғимлар ундирилган, 25 та ҳолатда фаолиятига ноқонуний аралашилган, 121 та ҳолатда ҳуқуқларини поймол этувчи қарорлар қабул қилинган, 3 та ҳолатда ортиқча ҳужжат ва маълумотлар талаб қилинган, 10 та ҳолатда муҳандислик коммуникацияларидан асосий равишда узиб қўйилган, 3 та ҳолатда ноқонуний мажбурият юкланган, 40 та ҳолатда эса бошқа қонунбузарликлар содир этилган.

Прокуратура органлари томонидан мазкур қонунбузилиш ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга доир тегишли прокурор таъсир чоралари қўлланилган. Тадбиркорларнинг манфаатларини қўлаб судларга 31 та ариза киритилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича эса 31 та жиноят иши қўзғатилган.

Бир сўз билан айтганда, бундай иллатларга нисбатан прокуратура органлари томонидан ҳам муросасиз кураш

олиб борилмоқда. Шунингдек, мазкур тизимда "007" рақамли ишонч телефонлари жорий этилгани тадбиркорларимиз учун аини мудоаа бўлди. Утган 2010 йилда ишонч телефонлари орқали 335 та мурожаатлар келиб тушган бўлса, жорий йилнинг 3 ойи давомида бундай мурожаатлар сони 465 тани ташкил этган. Шундан 258 таси қаноатлантирилган. Бошқача айтганда, шунча тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Президентимизнинг 2011 йилнинг 7 февралда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарори ушбу йўналишдаги аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутди. Бу юртимизда тадбиркор, шунинг кўзини биладиганлар учун янада кўпроқ имконият эшиклари очилди, тадбиркорлик қилиб, оиламга, халқимга наф келтирмачан деганлар сони янада ортади демакдир.

Дарвоқе, сўзимиз бошида тадбиркор йигит ҳақида гапирувдим. Утган кунни уни яна ўчатиб қолдим. "Банкдан кредит олиш ҳаракатида юрибман, цехни кенгайтириш ниятим бор. Насиб бўлса, маҳалладан беш-ўн нафар йигит-кизи ишга олардим", дейди.

Замон шиддатини ҳис қилгандай бўлдим.

«Кўчадаги» аёл

Бугун суд замида сўроқ қилинаётган опа-сингил Лайло ва Шахло Ҳамидовалар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳали ўттизини ҳам қораламаган бўлсалар-да, аммо алақачон кўча ҳаётини одат қилган мушум-ўрларга айланиб улгуришган... Бундан-да, ачинарлиси, уларнинг иккаласи ҳам фарзандли бўлиб, турмушдан ажрашган... Сўроқ давоминда опа-сингил томонидан содир этилган ҳолатларни эшитиб, беихтиёр "табба" лейсиз...



Сайёра МАДИЯРОВА,
Мирзо Улугбек туман прокурорининг
катта ёрдамчиси
Баргида МҲМИНЖОНОВА,
журналист

Тунги соат ўн. Шаҳарнинг "Лола" кафеда опа-сингиллар дугоналари Мадина билан ўтириб, анча суҳбатлашди. Орасида спиртли ичимликлардан ҳам бемалол истеъмол қилишди. Суҳбат шу даражада кизгин эдики, улар ҳатто уйда фарзандлари борлигини ҳам эсларидан чиқарган эдилар. Гуё. Шахло уларга қизиқ бир воқеани ҳикоя қилар экан, беихтиёр стол устидаги қадаҳга қўл узатди-ю, гапини шартта тўхтатиб, опасига юзланди:

— Вой-бў, роса гапга тушиб кетиб-мизми, биласизларми, соат неччи бўлганими? Энди тирақолайлик, қизлар. Уйда болалар ҳам ёлғиз.

— Эй, болаларни ўйлама, улар аллақачон ухлаб қолган бўлса керак. Яхшиси, "Городок" қа бормаймизми? Бу ер анча зериқарли экан. Уй-ўй десан, уйда нимаям қилардинг? — бироз кайфи ошган Лайло сингилсига эътироз билдирган бўлди.

Хуллас, Лайлонинг таклифи қолганларга ҳам маъқул келиб, улар кўчага чиқиб, машина ушламоқчи бўлишди. Зумда "Матиз" автомашинаси келиб тўхтади.

— "Городок" кафесига!

— Городок? Каерда эди-я, ха, майли чиқинглар, йўл-йўлақай топиб олармиз.

— Узи қанчага олиб бориб қўясиз? — машина йўлга тушган, олд ўриндиқда ўтирган Лайло ҳайдовчидан сўради.

— Ха, берарсиз, инсоф билан.

— Унда минг сўм буларкан-де!

Ҳайдовчи ёш йигит экан. Шунинг учун бўлса керак, ёнида ўтирган аёлнинг уни масхара қилгандек оҳангда гапирганига унчалик аҳамият бермади.

— Йўғ-э, минг сўм пулмас-да энди, опа! Бу ёғи кеч бўлса, кейин сиз айтган жой ҳам яқин эмас экан. Майли, тўрт минг берақолинг.

— Майли, қўрамин, — Лайло шундай дея, қўл телефонида ким биландир бақирганча гаплаша бошлади. Гарчи унинг шанғиллаши устига орқадаги икки дугонанинг ҳам ўзаро баҳслашиши ҳайдовчининг асабига тегса-да, парво қилмади. Мирзо Улугбек туманига яқинлашганларида, аниқ манзилни сўради. Аммо йўловчилар унга жавоб берадиган аҳволда эмасдилар. Шунинг учун ҳайдовчи манзилни телефон орқали дўстидан сўрашни маъқул кўрди. Бироқ, салондаги шовқиндан ҳеч нарсани англаб бўлмади. Ахирини, ёнида бақириб гаплашаётган Лайлога секингина:

— Секинроқ гаплашишнинг иложи йўқми, ҳеч нарсани эшитиб бўлмаяпти, — деди-ю, бағога қолди.

— Бақирма манга!

Бундай муомалани кўтмаган йигит аввалига эсанкираб қолди. Жаҳли ҳам чиқди-ю, ўзини босди.

— Бақираётганим йўқ, одамга ўхшаб, секинроқ гаплашнинг деялман! — деди вазиимлик билан.

— Ақл ўргатма! Шу ерда тўхтат! Такси қилиш сангамас экан! Ма, ол, шуям етади санга! — Лайло шундай дея, шимининг орқа чўнтагидан битта минг сўмлик пул чиқариб, рулнинг олд қисмига зарда билан қўйди.

Йигит ортқ қайди олмади. Машина "гуй" қиллаб тормоз берганча кескин тўхтади.

— Бу нима қилганингиз, ўзингизни

ким деб ўйлаяпсиз? — йигит шундай дер экан, асабдан титраб кетди.

Қизлар бўлса, бирин-кетин пастга тушиб, машинанинг олд томонига тегиб, бақира бошлашди. Ақллари майга кул бўлган "ожиза" лар ўзларини назорат қилишни бутунлай унутиб, йигитни ҳам ўринидикдан тортиқлаб туширишди. Йигит ночор аҳволда қолган эди: ўзини ҳимоя қилай деса, қаршисида аёллар, индамаса, шаллақилқилари ошиб тушарди. Кўп ўтмай йигит боқий тепкилар остида қолиб кетди...

Ён-атрофда одам кам бўлса-да, катта йўл четида содир этилаётган безорилик йўловчилар эътиборидан четда қолмади. Улардан бирининг кўнгируги билан зумда милиция ходимлари етиб келишди...

Биз "уй аёли" деган жумлани, куюнчақ, меҳрибон бекаларимизга нисбатан ишлатамиз. Афсуски, эндиликда "кўча аёли" деган сўзни ишлатишимизга ҳам тўғри келмоқда. Юқоридаги каби феъл-атворлар аёлларни кўча курган, кўчадаги аёл деб таърифлашга уларнинг ўзлигини унутиб қўйганликлари сабабдир.

"Кўчадаги" аёл. Ичши, чекиш, эркакшодалик (сўқиниб гапириш!) — у учун бегона эмас. Аксариятининг фарзандлари бор. Улар ҳам элга муносиб фарзандларни тарбиялаш, уларга меҳрибон она, оқила уй бекаси бўлиши мумкин эди. Афсуски, улар бу йўлни эмас, балки енгил-елпиликка асосланган "эркинлик" йўлини танлашди. Аммо спиртли ичимликларни тап тортмай ичадиган, бевақф бўла санқийдиган, бертатиб ҳаётга ўрганган аёл фарзанд тарбияси, оила тотувлиги ҳақида ўйлаш мумкинми?

Психологларнинг таъкидлашича, оила муҳитини шакллантиришда, фарзанд тарбияси, оила бахтини яратишда эркакларга нисбатан аёлларнинг таъсири бир неча баробар кучлироқ экан. Эътибор берсак, жамиятдаги айрим иллатларнинг кўпайиши, авж олишида, айнан юқоридаги каби майда, эътиборсиз кўринган ахлоқсизликлар, тартибсизликлар бош омил бўлмоқда.

Назаримизда, бу каби муаммоларнинг олдини олишда, ечимини топишда аввало, ҳар бир оилда соғлом муҳитни шакллантириш лозим. Бундай масъулиятли ишда эса ўз-ўзидан соғлом фикрли, ақли расо аёлларга суянмасдан илож йўқ. Қолаверса, бугун фаолиятига алоҳида эътибор ва ургу берилётган маҳалла фаоллари, шунингдек, маҳалла хотин-қизлар кўмиталари аъзолари ҳам бу борада ўз сўзларини айтишлари, таъсир чораларини кўришлари керак.

Сўзимиз сўнггида ҳар қандай ҳолатда ҳам аёл афғилигча қолгани яхши, уларнинг ҳамиша нафис ва мўстабар, меҳрибон она тимсолида кўришни истаймиз, дегимиз келади.

Ҳуқуқий тарғибот — маърифат демок

Ёшлар ҳар бир юрт ва миллатнинг бойлиги, салоҳияти ҳамда куч-қудрат манбаи экан, тараққиётга интилаётган жамият у ҳақда ғамхўрлик қилишни биринчи галадаги вазифаси деб билиши табиий. Бинобарин, ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш юрт ва миллат келажаги тўғрисида қайғурмоқ демок.

Лола ШОМУРАТОВА,
Тошкент шаҳар
прокурорининг
катта ёрдамчиси

Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизидан ортигини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олганда, юртимиз келажаги, унинг истиқболи кўп жиҳатдан ёшлар тарбияси, бу борадаги чора-тадбирларнинг самардорлигига боғлиқдир. Бу масалага доимий эътибор қаратиб келаётган Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида: "...ҳозирги тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайётган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капиталли, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарни эгаллаган, мамлакатимиз истиқбол учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир", дея таъкидлаб ўтган эдилар.

Халқимизнинг пировард мақсади ҳар жиҳатдан сўқ, баркамол инсонлар жамиятини барпо этиш, келажаги буюк давлат қуришдан иборатдир. Зеро, бу юртда маърифат ҳамиша улуғланган, маърифатпарвар инсонлар доимо қадр-қиммат

топиб келган. Бу элнинг фарзандлари иқболга еттишмоқ илмнинг хосиятидан эканлигини теран англайдилар.

Албатта, ёшларимиз ижтимоий фаол бўлишлари учун ижтимоий маданиятининг барча кўринишларини ўзларидан намоён этишлари лозим. Ижтимоий фаол ва юксак маданиятли инсонга хос бўлган фазилатлардан бири ҳуқуқий маданиятга эга бўлишдир. Ҳуқуқий маданият бўлиш учун қонун нормаларининг билиш кифоя эмас. Энг асосийси, қонунларни бажариш, уларга ҳурмат билан қараш, қонун олдида ўз бурчинини ҳис қилиш лозим.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия, бошқача айтганда ҳуқуқий маърифатни тақомиллаштириш зарур.

Ҳуқуқий маърифат кенг маънода кўпчилигининг онгига таъсир кўрсатишга қаратилган тарбия, тор маънода эса алоҳида шахсга, унинг онгига таъсир этишдан иборат бўлиб, у ташкилий равишда асосан таълим муассасида мунтазам олиб бориладиган, аниқ мақсадли кўзланган ва шахсга (гuruh шахсларга) таъсир қила оладиган, уларда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим, амал-

даги қонунларга риоя этиш ва ҳурмат қилиш хислатларини вужудга келтиришга қаратилган фаолиятдир.

Ҳуқуқий маърифатнинг асосий мақсади шахсда ҳуқуқий онгнинг шакллантириш, яъни ҳуқуқий нормаларнинг мазмун-моҳиятини билиш, уларга ҳурматни ва ихтиёрий, онгли равишда риоя қилишни тарбиялаш бўлиб, у босқичма-босқич берилиши ва бу жараёнда ёшларнинг ҳуқуқий онгига бевосита таъсир этувчи назарий ҳуқуқий билим ва маълумотларни таркиб топтиришни узлуксиз таъминлашга қаратилиши лозим. Ҳуқуқий тарбия оилда, боғчада, мактабда, лицей-колледжларда ва институтларда олиб борилиши, у тарбияланувчиларнинг ҳуқуқ-атворига таъсир кўрсатувчи ҳуқуқий билимлар бериш билан бир вақтда, уларга ҳар хил шаклда таъсир ҳам ўтказиши керак.

Ҳуқуқий тарғибот юқори малакали мутахассислар томонидан берилишига эътибор қаратиш шарт. Зеро, ёшларнинг келажагда ҳуқуқий жиҳатдан қандай савияга эга бўлиши уни шу билимларга қай даражада қизиқтири олинганига боғлиқ. Ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг тажрибали ходимлари фаолияти билан талабаларни таъиништириш бориш ҳам ижобий натижалар беради.

Шу кунларда истиқлолнинг шонли санаси - мамлакатимиз мустақиллигининг йигирми йиллигини балана руҳ ва кўтаринки кайфият билан нишонлашга тайёргарлик кўраямиз. Бу йилги байрам тантаналари "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" шiori остида ўтади.

Кўз қорачиғидек асрамоқ — бурч

Тарихан қисқа даврда — йигирми йилда юртимиз дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб, тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан оқимлаб бораётган мустақил ва суверен давлатга айланди. Йигирми йил ичида халқимиз кўлга қиритган ютуқ ва натижалар, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, шунингдек, халқаро майдонда нуфузи тобора юксалиб бораётгани, республикада амалга оширилаётган туб ислохотлар моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшларнинг онги ва қалбига янада чуқурроқ сингдириш мақсадида юртимиз бўйлаб маданият-маърифий таъбирлар ва бошқа ташкилий-амалий ишлар амалга оширилмоқда. Чунки биз бу ҳақда тўлиқроқ тушунганга эга бўлмасдан, мустақил Ватанимиз юксалишига қандай ҳисса қўлишга мустақиллик бизга нима берди, ким эдиги ким бўганимизни билмасдан, истиқлолнинг аҳамиятини теран англай оламимиз.

Мақсади ноаниқ миллат шамол эсишига қараб сузайган кемага ёхуд йўлдан адашиб, қасқа қараб юришни билмайдиган қарвонга ўхшайди. Президентимиз Ислам Каримов халқимизга "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!" деган буюк орзу ва ишончини берди. Мутеалика ўргатилган маҳзун миллатнинг бошини кўтарди. Нуқул пастга қараб, ўз оёқлари атрофини қўришга ўрганиб қолган миллат келажакка ишонч билан олдинга тик қаради.

Натижада мустақиллик йилларида мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида қад ростлаган муҳташам бинолар Ўзбекистонни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди. Бу юртда "Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун" деган ҳақиқат мана мен деб буй кўрсатиб турибди. Бизнинг вазифамиз эса шу улуг Ватанини чин фарзандлик муҳаббати билан севиш ва унга сadoқат билан хизмат қилиш, унинг келажақ раванқини таъминлаш мақсадида ўқиб ва изланишдан иборат.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига алоқдоримиз ҳаёти, улар қолдириб кетган бебаҳо асарлар маънавиятимизни шакллантиришда мезонлардан биридир, деб таъкидланади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу асарига маънавиятнинг маъно-мазмун, инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти кенг қамровли фикр ва ҳулосалар орқали таҳлил этилиб, истиқлол йилларида миллий маънавиятимизни тиклаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги мақсад ва вазифалар ҳақида атрофича фикр билиридан. Мен бу китобни ўқиб, дунёга янада тейранроқ назар таштайдиган бўлиб, ҳаётга бўлган қарашларим, келажакка ишончнинг ортли, мустақиллик нақшлар улуг неъмат эканлигини, уни кўз қорачиғидек асраш лозимлигини дилдан ҳис этдим.

Моҳирур МУҲАММАДИЕВА,
Тошкент Давлат юридик
институтининг 1-курс талабаси

Исканжа

Онаси алоҳида уй олиб чиқиб кетгач, Гулжаҳон анча вақт-гача сиқилиб юрди. Аммо қўлидан нима ҳам келарди, бора-бора кўникаи. Гарчи онаси уларникига кўпа келмаса-да, ўзи вақт топиб, бориб туришни қанга қилмади. Кейинги боришида онасиникида бегона бир йигитни учратди. Кўнглига турли фикрлар келган эди, онаси бу йигит бизнесдаги ҳамкори эканлиги, исми Собиранинг айтиб, хотиржам қилган бўлди. Ноилож, Гулжаҳон бунга ҳам кўнади.

Абдуқоҳор ТҲҲАБОВЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғи



Орадан ойлар, йиллар ўтди. Янги йилни кутиб олиб, эртасига укасиникига борган Гулжаҳон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) у ерда онасини учратди. Бироз суҳбатлашиб ўтиришгач, тарқалишди. Ўшанда Гулжаҳон бу уларнинг охириги учрашуви эканлигини билганидами...

Икки-уч кун ўтгач, онасига кўнғироқ қилган эди, телефон ўчирилган экан. Бироздан кейин яна теледид рақамини терди. Жим-жит. Юраги қандайдир ноқушлишни сезгандек бўлиб, онаси яшайдиган уйга ошдик. Аммо эшик кулф эди. Минг бир хаёлда ортга қайтди. Кечки пайт яна кўнғироқ қилиб кўрди. Яна ўша ҳолат. Эртаси кун Собирни учратиш қилиб, онаси ҳақида сўради.

— Опа мол олиб келиш учун Қирғизистонга чиқиб кетган, — деди хотиржам оҳангда Собир. — Хавотир олманглар.

Шундан кейингина Гулжаҳоннинг хавотирли аригандек бўлди. Онаси аввалари ҳам уларга айтмасдан кетиб қолган ҳолатлар кўп бўлган эди. Буни яхши билган Гулжаҳон, ўз юмушлари билан андирмон бўлганча, онасини кута бошлади.

Бирок орадан уч ҳафтага яқин вақт ўтди ҳамки, онаси қайтмади. У яна Собирга учради.

Собир энсаси қотганини яширмади. Шундай бўлса-да, босиқлик билан жавоб берди: — Ўтган гал сизларга айтдим-ку, четга чиқиб кетган деб... Нима, бу биринчи марта-ми? Озгина кутинглар, келиб қолади.

— Нимагадир юрагим гаш. Балки милицияга хабар бериш керакмикин? Нима дедингиз?

— Қанақа милиция? Қалпан-гиз жойидими? Агар бирор ерга хабар берсанглар, опага зарар еттишни биласизлар-ми? Айтмоқчи, кеча менга рақам кўрсатилмаган телефондан кўнғироқ қилган эди. Ишлари яхши экан. Ўзим хабарлашиб турибман. Тез орада келиб қолса керак...

Унинг гапига ишонган Гулжаҳон уйига қайтди. Бу орада укаси онасининг номида бўлган машина ҳақида сўраб қолди. Машинани бўлса, Собир ҳайдаб юрган эди. Гулжаҳон кейинги сафар учрашганларида шу ҳақда гап очган эди, Собир мингта баҳонани тўкиб ташлади. Гулжаҳон машина ўзларига ҳам керак бўлаётганини айтса-да, фойдаси бўлмади.

Март ойи бошлангач, укаси билан келини ҳамроҳлигида онасининг уйига келган Гулжаҳон эшикни очди-ю, ханг-манг бўлиб қолди. Хоналар деярли бўм-бўш, фақат мебелларгина қолган бўлиб, улар ҳам йиғиштириб қўйилган эди. Унинг ҳайрон бўлганини пайкаган Собир, у бу ишларни опанинг топшириғига кўра бошқа уйга олиб бориб қўйганини айтиб, изоҳ берган бўлди. Яна унинг айтишича, опа хориждан қайт-

гач, Гулжаҳонга ўзи ҳаммасини тушунтирар экан...

Гулжаҳон бу сафар ҳам унга ишонди ва бу унинг навбатдаги хатоси эди...

Буни қарангки, ёз ўтиб, куз бошланди-ки, онасидан дарак бўлмади. Айни ўша кезларда укаси ҳам гиёҳвандлик моддасидан заҳарланиб, вафот этди. Аксига олиб, Собир ҳам гойиб бўлган эди. Уни на уйдан топиб бўларди ва на телефонга жавоб қайтарарди. Шундан кейингина Гулжаҳоннинг сабр-қосаси тўлиб, онасининг бедарак йўқолгани ҳақида милицияга ариза билан мурожаат қилди. Орадан бир ҳафтача ўтиб, уни ички ишлар идорасига чақирди. У ерга бора-ганда эса, аслида юз берганидан хабар топти-ю, ҳуши бошидан учди...

Тижорат билан шуғулланган Собир аёл билан танишган Собир хурсандлигини яширолмасди. Эри йўқ, устига-устак фарзандларидан ҳам қутулган аёл ҳам у билан тезда тил топиша қолди. Ҳамкорликда ишла бошладилар. Сабина кўп ўтмай алоҳида уй сотиб олди-да, кўчиб чиқди. Фарзандларининг қаршилиғига эса парво ҳам қилмади. Собир ҳам ҳамкорлик баҳона бу ерга серкатнов бўлиб қолди. Ҳамкорликда гап кўп: тижоратлари янада гуллаб-яшнади.

Одамзотнинг қизиқ феъли бор. Қанчалик бойимасин, яна бўлсам дейди. Улар билан ҳам айнан шундай ҳолат юз берди. Кўнларнинг бирида икковлон навбатдаги моллардан келган фойдани сарҳисоб қилиб ўтиришар экан, Сабина тўсатдан бозорда савдо қилувчи эски таниши Мархабони эслаб қолди. Унинг нақадар бой эканлиги-ю, шу билан бирга анча-йин содда эканлиги ҳақида оғиз кўпиртирар экан, унинг миёсига антиқа бир фикр келиб қолди. Аникрои, бу фикр ростдан ҳам ундан чиқиди ёки уни диққат билан тинглаб ўтирган Собирданми, ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Нима бўлганда ҳам улар гапни бир ерга қўйиб, Мархабонинг пулларини ўзлаштиришга қарор қилишди.

Эртасига бозорга бориб, Мархабонга учрашган Сабина юқори ташкилотларда ишлайдиган ошна-оғайниларни кўп бўлган, ҳоҳлатбор бир йигит билан танишганилиги-ю, ўша йигитнинг ёрдамда анча иш қилиш мумкинлиги ҳақида оғиз кўпиртирди. Табиийки, Мархабон ҳам бундай учар йигит билан танишиш истаганини билдирди. Сабина кўп кутирмади, шу заҳоти Собирга кўнғироқ қилиб, бозорга келишни таяинлади. Собир келгач, уларни таништирди. Собир аллақачон роль ўйнашга киришган эди. Унча-мунча муаммолар унга чўт эмаслигини таъкидлаш мақсадда, таникли одамлардан уч-тўрттасини исм-фамилиясини

келтириб, айни дамда метронинг "Буюк ипак йўли" станцияси ҳамда "Қозоғистон" кинотеатри атрофидаги ерларга харидорлар борлиги, агар хоҳласа, шу жойларни таниш-билишларни ишга солиб Мархабонинг номига расмийлаштириб бериши мумкинлиги ҳақида лоф ура кетди. Бундай имкониятни қўлдан чиқаришни истамаган Мархабон дарҳол рози бўлди. Собир Мархабонга ўша ерларни кўрсатгач, биринчиси расмийлаштириш 18 минг, иккинчиси эса 55 минг АҚШ долларига тушишини шама қилди. Мархабон бу сафар ўйлаб қолди-да, жавобини кейинчалик айтишини билдириб, озроқ вақт сўради.

Мархабон кўп куттирмади. Қўли озроқ қалтириб қилгани боис, бозорда бирга савдо қилувчи таниш бир аёл билан маслаҳатлашиб, шерикчилик қилишни таклиф қилди. Хуллас, икки дугона аввал 18 минг, сўнгра яна 38 минг АҚШ долларини Сабинанинг гувоҳлигида Собирнинг қўлига тутқазиди. Собир узоғи билан икки ой ичида барча ҳужжатларни тўғрилаб беришни ваъда қилиб, жуфтакни ростлади. Лекин аввал қиш, кейин эса баҳор ўтиб, ёз ҳам бошланди-ки, на ерининг ҳужжатларидан ва на пуллардан дарак бўлмади. Собир бўлса, эрта тайёр бўлади, индин тайёр бўлади, дел-ийшдан қарчмасди. Шундай кўнлардан бирида ният, Собир уларга компьютерда усталлик билан ишланган, туман ҳудуди туширилган харита ва тегишли мутасаддиларнинг имзоси қўйилган ер майдони тавсифномасининг нусхасини берди-да, ишлар ҳал бўлаётганини, яна икки-учта раҳбарнинг имзоси қолганини айтиб, уларни хотиржам қилган бўлди. Бирок бу сафар ҳам ваъда ваъдалигича қилиб кетди...

Янги йилни "тўқин-сочинлик"да ўтказган Собирни Сабина телефон қилиб чақириб қолди. Уйга кириб борагинда, дастурхон безатилган бўлиб, ширақай Собина уни хурсанд ҳолда қутиб олди-да, столга таклиф қилди. Яна оз-оздан ичишди. Бироз суҳбатлашиб ўтиришгач, Собир Мархабондан ундирилган пуллар ҳақида сўраган эди, у пулларни бирова бериб юборганини айтди-ю, балога қолди.

— Нималар деясиз? Шунча пулни-я?! Менинг ҳаққим нима бўлади? — Собир ғазабдан ўзини тутолмай, бақиршишга тушди.

— Мен нима қилай? — гулдираганча жавоб берди Сабина. — Ануе, Миша бор-ку, ўша олиб кетган эди. Шу кетганича, қорасини ҳам кўртсмаяпти. Алдаб кетишини туш қўрибманми?

— Ўв, менга қаранг, алдаб кетадими, ё бошқами, бу сизнинг "проблема"нгиз! Пулни тез жойига қўйиб қўйинг. Мен ҳеч нарсани билмайман.

— Менам тушунолмагман. Нима учун менга бақираяпсан? Айбим бировга ишонганимми? — Энди Сабинанинг ҳам жаҳли чиқа бошлади, — пул-пул

дейсан. Нима, пул жондан азими? Оласан бир кун ўша пулларингни?

Собир у деди, Сабина бу, хуллас, даҳанаки жанжал авж олиб, муштлашувга айланди. Аёл киши билан эркакнинг муштлашуви нима билан тугаши барчага аён. Бояқиш Сабина бир-икки муштдаёқ ерга йиқилди. Энди Собир нима қилаётганини англамай, жонжаҳди билан аёлни бўғар экан, унинг хириллаб қолганига эътибор ҳам қилмасди. У ўзига келиб, қўлларини бўшаётганида, Сабина нафас олмаётган эди. Собир шундагина нималар қилиб қўйганини тушунди. Аммо энди кеч эди. Қаловланганча у ёқдан бу ёққа бироз юргач, эшикни қўллаб, қўчага чиқди. Кафелардан бирига кириб, бўлиб ўтган воқеаларни унуттиш учун анча-мунча ичиб ҳам юборди. Бирок, Сабинанинг жон талвасасида типирчилаши кўз ўнгидан кетмасди. У шу кунги ухламади ҳисоб. Эртаси кун қотиллик содир бўлган уйга қайтиб келди. Энди қандай бўлмасин жиноят изини яшириш керак эди. Собир бунинг ҳам йўлини топти. Музлатгичдан бўлаки картон қутига жасадни жойлаб, машинаси бор танишига кўнғироқ қилди. У келгач, қутига контрабанда йўли билан олиб кирилган виски борлиги, шунинг учун биров сезмаслиги лозимлигини тайинлаб, "Буюк ипак йўли" кўчасида қовлига олиб боришни сўради. Манзилга етиб келишгач, икки йигитни ёллаб, ўра қазиди-да, қутини кўмдириб ташлади.

Осонлик билан топилган бойлик, худди шундай осонлик билан тугайди. Собир қараса, ҳамени пучайиб қолибди. Кўп ўйлаб ўтирмай, Сабинанинг уйига йўл олди. Ававалига аёлнинг тилла тақинқоқлари янги эгаларига ўтиб, Собирнинг чўнтағи қаппага бошлади. Кейинчалик навбат техника воситаларига келди. Бу орада Сабинанинг фарзандлари онаси ҳақида сўраб-суриштира бошлаган эди, у аёлнинг хорижга янги мол олиб келиш учун кетганини айтиб, уларни алдай бошлади. Телевизорлар-у DVD, хорижда ишлаб чиқарилган газ плиталаридан тортиб, чинни ва биллур идиш-товоларгача пуллагач, уйдаги мебелларни сотишга тайёрлаб қўйди-ю, улғурмади. Онасидан бирор янгилик бор ё йўқлигини билиш учун уйга келган Сабинанинг фарзандлари деярли бўм-бўш хоналарни кўриб, анқайиб қолишди...

Айтмоқчи, бу воқеалардан анча олдин, аникрои йил бошида Собир яна бир жиноятга қўл урган эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўша вақтда, Сабинанинг "Матиз" русумли автомашинаси бўлиб, Собир ишончнома орқали хайдаб юрарди. Сабинадан қўтилгач, машинага ҳам харидор чиқиб қолди. Собир узоқ ўйлаб ўтирмай, уни сотишга қарор қилди ва компьютердан фойдаланиб

ўзининг номига сотиш ҳуқуқини берувчи олди-сотди шартномасини ясаттирди-да, харидорга машинанинг эгаси хорижда эканлигини айтиб, нота-риус орқали расмийлаштириб, сотиб юборди. Сўнгра, Сабинага тегишли барча ҳужжатларни ёқиб, жиноят изларини шу йўл билан йўқотмоқчи бўлди...

Ички ишлар бўлимига келгач, онасини ўлдирилган, унинг уйдаги нарсалар билан машинани ҳам сотиб юборган Собир эканлигини эшитиб, Гулжаҳоннинг қай аҳолга тушганини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳа, бойликка хирс қўйиш-у, бориға қаноат қилмаслиқнинг оқибати гоҳида ана шундай аянкли яқун топиши ўта ачинарли ҳол. Афсуски, буни ҳамма ҳам вақтида англаб етавермайди. Бундан ташқари, бўлиб ўтган воқеаларга маълум даражада алоқадор бўлган, судда жабрланувчи сифатида қатнашган Мархабон билан унинг дугонаси-чи? Ахир улар Собир билан Сабинанинг гапига кўра, ўша ерларни ўз номларига расмийлаштириш учун қимларгадир пора бериш кераклигини, бу эса қонунга бўлиб эканлигини яхши билишган-ку! Шундай бўлса-да, бунга амал қилишмади.

Буни қаранг-ки, ишни қонуний бошламаслик оқибатида Собир Ҳақимовнинг алдовларига учиб, ундан жабр кўрган фақат юқорида исмлари зикр этилган фуқаролар эмас экан. Аниқланишича, май ойида дастлабки тергов давомидида шахси аниқланмаган номмаълум кимса билан тил бириктирган Собир, фуқаро Зиедулло Сафаровнинг ишончига кириб, Халқа йўли бўйида жойлашган кафе ёнидаги бўш ер майдонига маъиш хизмат шохбосчаси қуриш учун тегишли идоралардан қарор чиқартириб бераман дея алдаб, ундан аввал 5 минг, сўнгра яна 10 минг АҚШ долларини миқдорда пул олади. З.Сафаров ерининг ҳужжатлари қанча қўлимга тегар экан деб юрган пайтда, худди шу йўл билан яна бир фуқаронни чўш туширади. Бу гал Юнусобод туманидаги бўш ер майдонидида тадбиркорлик қилиш истагидида бино қурмоқчи бўлган Қ.Қаҳаров шахар ҳокимининг қарорини чиқартириш эвазига биринчи гал 19 млн. кейингисидида эса 7 млн. сўм пулларини Собирга қандай қилиб тутқазганини ўзи ҳам билмай қолди. Кейинчалик ишнинг бориши ҳақида сўраган эди, Собир аллақачонлар тайёрлаб қўйгани — унинг ҳоким номига ер ажратилиши сўраб ёзган аризаси архитектура ва қурилиш бош бошқармасига йўллангани тўғрисидаги сохта ҳужжатни топширди. Шундан кейингина Қ.Қаҳаров анча хотиржам бўлди...

Ўтган йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган суд мажлисида С.Ҳақимовнинг жиноий қилмишлари кўриб чиқилиб, унга тегишли жазо тайинланди.

Фарзандлар жаннат райҳонларидир, дейилади ҳадислардан бирида. Дарҳақиқат, фарзана Яратганининг баъласига берган энг азиз неъматларидан биридир. Илк фарзанди дунёга келганида қувончи ичига сиймай дўпписини осмонга отган отанинг кун келиб ўз пушти камаридан яралган болаларининг қотилига айланиши тасаввур этишининг ўзи даҳшат. Бироқ, бундай жирканч воқеа аини ҳаётиимизда содир этилади.

Разиллик

Нуриддин ИБODOV,
Бош прокуратура бўлим прокурори
Саидабону МАДИЕВОВА,
журналист

Турмуш ўртоғи Азиза билан муносабатлари узоққа чўзилмаган Фаррух тўрт фарзанди ва хотинини уйидан ҳайдаб солди-ю, ўзи тўрва халтасини кўтарганича пойтахтга йўл олди. Тошкентга келиб, "Абу-Сахий" бозорида турли ишларни қилиб юрди. Бу орада у ўзи каби биринчи турмушдан ажрашган ангийўллик Камола билан танишиб қолди. Камола шу бозорда фаррошлик қиларди. Бир ёлғиз чехра иккинчи ёлғиз чехрани узоқдан таниганидек, улар тез тил топишиб кетишди. Фаррух ортқ чўзиб юрмай Камолага турмуш қуришни таклиф этди. Камоланинг ота-онаси ҳам бунга қаршилик билдирмади. Улар 2006 йил май ойида шаръий никоҳдан ўтиб, Тошкент шаҳридан ижарага уй олиб яшай бошлашди. Бахтли ўтган ҳаётларининг 2 йилида бир қиз ва бир ўғил фарзанд қўришди. Нигора ва Жаҳонгир уларнинг уйига бир олам қувонч олиб кирди. Аммо Камоланинг бахт дегани сароб бўлиб қолди. Фаррухнинг яна эски касали тутиб, Камолани рашк қилиб, арзимаган баҳона сабаблар билан жанжал кўтарарди. Аввал ҳам биринчи турмуши Азизани она сути оғзидан кетмаган боладан ҳам, мункиллаган чолдан ҳам рашк қилавериши оқибатида оиласи бузилган эди. Бироқ, Фаррух бундан тўғри хулоса чиқармади. Халқона тил билан айтганда бурнига сув қирмади. Унинг рашики ва уриб-дўппослашлари чидай олмаган Камола бир қарорга келди. Эри билан ажралишга аҳд қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судига мурожаат қилди. Суд уларга ярашиб, оилани сақлаб қолишлари учун муҳлат берди. Аммо Камоланинг Фаррух билан яшаб кетишга қўзи етмади. Бу орада Фаррух Россия давлатига ишлашга кетди. Шундан кейингига Камола биров ўзини хотиржам ҳис қилди. Аммо узоқдан туриб бўлса-да, унинг ҳаётига раҳна солиб турарди. Фаррухнинг телефон орқали ҳақоратлашлари унинг юрагини олиб қўйди.

Ҳаш-паш дегунча бир йил ҳам ўтди-кетди. Кўнгли хижил бўлиб уйғонган Камола болаларига нонушта тайёрларкан, эшик кўнгиригидан бир сакраб тушди. Сут-қатиқчилар бўлса керак, деган ўй билан эшикни очган Камоланинг оstonада турган Фаррухни қўриб, қапалаги учиб кетди. Бола бола-да, отасини қўриб, қувончдан ичларига сиймай Фаррухнинг оёғига ёпишишди. Болаларини бирма-бир ўпаётган Фаррух зимдан хотинига назар соларкан, Камоланинг хурсанд эмаслигини кўргач, "ҳа майли, сен билан кейин гаплашаман" дегандаги бошини маъноли силкитди. "Мусофирликда инсоф қилган қўринади", деган фикр Камоланинг кўнглига биров таскин берди.

— Болаларимни айлантириб келмоқчиман. Уларни соғиниб кетдим, — хотинига қозониб, жиддий оҳангда сўз қотди Фаррух. — Рухсат берасанми?

Камола қаршилик билдирмади. Фарзандларини ўзи билан олиб кетган Фаррухнинг кечгача дарағи бўлмади. Хавотирга туша бошлаган Камола унга қўнғироқ қилди. Фаррух бир қўнға болаларини ёнида олиб қолмоқчилигини айтиб, бир амаллаб Камоланинг розилигини олди. Эртасига болаларини қўта-қўта чарчаган Камола эрига яна қўнғироқ қилди. Бу қўнғироқ жанжалга айланиб, яна айтишиб қолди. Камола телефонни ўчириб, ўзини-ўзи қойишга тушди. Зум ўтмай телефонига ҳақоратли SMSлар кела бошлади. Фаррух унга болаларини қайта қўлмаслигини билдиради. Кеч тушганда фарзандларини олиб, Самарқандга йўл олган Фаррух Булунгур тумани ҳудудида машинадан тушиб қолди. Фарзандларини етаклаб, йўл четигаги дарахтзорларга кирди. Фаррух ўзи билан олиб келган ипдан сиртмоқ ясаб, дарахтга боғлади. Сўнг ўйқуриб ўтирган болаларининг тепасига келди. Ўғлини қўтариб, сиртмоқ олдиға олиб борди. Жаҳонгир отасининг қабих ниятини англамай, унинг қўзларига тикилди. Фаррух бир зум ўйлаб туриб, ўз режасини амалга оширишга киришди. Кандай юраги дов берган билмадиган-у, ўз қўллари билан ўғлини сиртмоққа осди. Бола отасига қўзи тўла ёш билан қараган қўйи жон таслим қилди. Шу орада Камола қўнғироқ қилиб қолди.

— Кўнглим негадир нотинч. Илтимос, болалар билан гаплашай. Уларсиз ўхломаяман.

— Болалар энди сен билан гаплашолмайди. Уларни ўзим билан олиб кетаман. Уларни қўришни ҳаёлингга ҳам келтирма. Энди кел...

Телефондан қизи Нигоранинг чинқириб йўғлаётганини эшитган Камоланинг хавотирини ошди. Дарҳол ота-онаси билан боғланди. Ота-онаси уни тинчлантиришга ҳаракат қилиб, "Хавотир олма, ахир у фарзандларининг отаси бўлса, уларга ёмонлик қилолмайди. Ётиб ухла, эртага бир чорасини ўйлаб топамиз!" деб таскин беришди. Лекин онанинг кўнглидаги нотинчлик бекорга эмасди. Нигоранинг чинқирган овозини сўнгги бора эшитиб турган эди...

Инсоний қиёфасини йўқотган таъсик икки нафар фарзандининг кўз ўнгидеги тигирчилик жон таслим қилишини хотиржам қўзатиб турди. Бегуноҳ болалари бу дунёни тарк этгач, разил ота жаовбарлиқдан қўтилиш мақсадида ўзига ҳам сиртмоқ ясади. Ўлими олдидагн уқаси Фарҳодга болалари ва ўзини осган жойи ҳақидаги маълумотни SMS орқали жўнатиб, бўйнига сиртмоқ солди...

Мардик ва жасорат сиймоси ҳисобланмиш бобомиз Жалолддин Мангуберди онаси, хотини ва фарзандларини Амударёга қўқтириб юборгани тарихдан маълум. Негаки у оиласининг душман қўлида минг азобларга дучор бўлиб, шафқатсизларча ўлдирилишини яхши биларди. Шунинг учун ҳам ноилоҳликдан бундай қарор қабул қилган. Аммо Фаррухнинг нима мажбур қилди? Рашкини?.. Бу унинг гуноҳини оқлай олмайди.

«Қипчоқ» кўчасидаги босқинчилик

Сарвар АБДУЛЛАЕВ,
Сергели туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

Бугун юртимизда ёш авлодга берилаётган эътибор ва яратилаётган шарт-шароитларга, ўз навбатида бу имкониятлардан самарали фойдаланиб улкан ютуқларга эришяётган ёшларимизга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Бироқ ана шундай бир шароитда ҳам ўткинчи ҳою ҳавасларни деб ўз умрини, ёшлик деган неъматни шамолга соғураётган айрим-йигит қизларни кўрганимизда "Нега?" "Нима учун?" каби саволлар гирдобда қоламиз.

Улар ҳам билим олиш, касб-ҳунар эгаллаш, шу орқали ўзларининг эртанги кўнига пойдевор яратиш, ҳаётда ўз ўрни ва йўлини топишга бел боғлаган тенгдошлари каби йўл тутиши мумкин эди-ку.

Зангиота туманининг "Назарбек" қишлоғида яшовчи 20 ёшли Марат Турсубеков ва 21 ёшли Шўхрат Ҳусниддиновлар ҳам тўғри йўл қилиб, жиноят йўлини танлашгани сабаб бугун панжара ортида.

Воқеа ўтган йилнинг январиде содир бўлган эди.

Бекорчиликдан кўча бошига чиқиб ўтган-кетганини кузатиб ўтирган Марат у томон келаётган Шўхрат, Жамшид ва Муродни қўриб хурсанд бўлиб кетди. "Бу йигитлар одамни зериктирмайди", кўнглидан ўтди Маратнинг.

Улар бир муддат уёқ-буёқдан гаплашиб ўтиришгач, кимдир Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги ярмаркага айланган бориш таклифини ўртага ташлади.

— Чўнтакда пул бўлмаса, айланмишда нима бор? — деди Марат унинг гапини кесиб.

— Бу ерда гап сотиб ўтиганимизга биров пул тўлаётган бўлса, қолавер. Биз кетдик, — деди илгари босқинчилик ва талончилик жиноятлари содир этиб, жазо ўтаб чиққан Шўхрат. Марат уларнинг орқасидан етиб олди.

Улар Сергели ярмаркасига етиб келишганда кеч тушиб

қолган эди. Ярмаркада биров айланганларидан сўнг, бекат яқинида келиб йўловчиларни кузатиб ўтиришди. Уларнинг эътиборини нарироқда турган ўзлари тенги йигитча тортиди.

Ҳар бирининг кўнглида шум нияти бор йигитлар ўзаро имо-ишоралар билан бир ўзи турган пўрим йигитчани нишонга ола бошлашди.

Марат секин йигитчанинг олдиға бориб соат сўраган бўлди. Хеч нарсадан шубҳаланмаган йигитча чўнтагидан қўл телефони чиқариб қаради-да, вақтни айтди. Соат тўққиздан ошган экан.

Марат йигитчанинг қўл телефони қимматбаҳо эканлигига ишонч ҳосил қилиб ортиға қайтди.

— Кўринишидан компьютер жинисига ўхшайди. Буни қўлдан чиқармаслик керак. Телефони яхши пулга боради, сумкасидаям нимадир борлиги аниқ.

Шериклари унинг фикрига қўшилишди. Улар бир муддат йигитни кузатиб туриб, унинг кимидир кўтаётганини тушуниб қолдишди. Шундай бўлса-да режа ўзгармади. Кўп ўтмай "ўлжа"нинг ёнига яна бир йигитча келди ва улар алланималар ҳақида гурунглашиб йўлак бўйлаб кета бошлашди.



Банкн куёвнинг қилмиши

Анвар АСАDOV,
Бўхоро туман прокурори ёрдамчиси
Шахло БАҚОЕВА,
журналист

Жўрабек Жўраев ОАТ "Қишлоққурилиш банк" вилоти филиалида нақд пул тушумини назорат қилиш бўлимига мутахассис бўлиб ишларди. Турмуш ўртоғининг тоғаси Шўхрат Рамазанов унинг оламига маслаҳат сўраб келиб қолди.

— Куёв, мен аҳолидан узум сотиб олиб, қайта ишлаш пунктларига сотиш фаолиятини юритувчи МЧЖ очмоқчи эдим. Буни ташкил қилиш мумаммо эмас, аммо аҳолидан узум сотиб олиш учун нақд пул керак бўлади. Масаланинг шу томони мени қўчатиб турибди. Сизнинг бу борада анча билимнингиз бор. Йўл-йўриққа муҳтожлик сезаямиз-да... — деди.

— Сиз МЧЖни очаверинг, жиянингиз Нарғиз сизга ёрдам беради. Нақд пул масаласига келганда сира хавотир олманг. Мен ўзим банкдан пул олишнигизга ёрдам бераман. Қилган даромадингиздан бизга ҳам "улуш" ажратиб турсангиз бас, — деди Жўраев.

Ш.Рамазанов жияни Нарғиза ёрдамида ҳужжатларни тайёрлаб, Бўхоро туман ҳқимлигиде рўйхатдан ўтган "Саховат узум Плюс" тайёрлов савдо шаклидаги МЧЖ ташкил қилди. Жиянини эса МЧЖга ҳисобчи қилиб расмийлаштирди. Ишининг бошланиши ёмон бўлмади. Аммо жияна ва куёв тоғанинг ишонувчанлигидан фойдаланишни кўзлашди. МЧЖ билан шартнома тузган қорхоналардан ҳисоб рақамига тушган 72 млн. сўмдан зийд маблағнинг жами 55 млн. 900 минг сўмни нақд пул ҳолида тоғанинг қўлиға тутқазиди. Қолганини ўзларининг эҳтиёжларига ишлатиш юбо-

ришди. МЧЖ ҳисоботини топириш вақти келганда буни билиб қолган Ш.Рамазанов жиянидан пулнинг қолган қисми қарвга қўйрилганини суриштирди. Эр-хотин ваъдани қуёқ қилиб, пулни қолганини ҳам келтириб бераман, деганча дом-дараксиз кетишди. Телефонларга ҳам жаовб беришмайди. Тоға уларнинг "оёқ босишлари"дан шубҳаланиб "Асл молия таҳлил" аудиторлик ташкилотига МЧЖ фаолияти юзасидан текшириш ўтказишни сўраб мурожаат қилди. Текшируларда аниқланишча, куёв Ж.Жўраев МЧЖнинг анчамунча пулини турли йўллар билан нақдлаштириб олган экан. Банка топширилган тўлов топириқ-ноналаридаги ўзининг сохта имзоларини қўриб, Ш.Рамазановнинг "тепа сочи тикка" бўлди. Қариндошим деб ишониб МЧЖнинг тамга ва муҳрини жиянингнинг қўлиға бергани учун ўз-ўзидан ранжиди. Фирмор "ҳамкорлар" тоғайи 15 млн. 500 минг сўм моддий зарар етказишганди-да.

Ш.Рамазановга етказилган зарарни тўлаган бўлса-да, Жўрабек Жўраев суд ҳукмига қўра, ЖҚЖнинг тегишли моддаларига асосан 2 йил муддатта мансабдорлик ва моддий жаовбарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Унга ойллик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 3 йил муддатта ахлоқ тузатиш ишлари ҳамда энг кам ойллик иш ҳақининг 80 баравари миқдориде жарима жазоси тайинланди.

«Асака» банк — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб мавзусига айланди. Сабаби — айнан ушбу соҳа Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик масаласини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Шу боис ҳам мазкур соҳани жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга Ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Муҳтарам Президентимиз томонидан 2011 йилни юртимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши ҳам бунинг яқол тасдиғидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар, кўрсатилаётган банк хизматларида самарали фойдаланаётган тадбиркорларимизнинг эришаётган ютуқлари эса мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини намойиш этишда асосий далоил бўлмоқда.

Шу ўринда, Республика тижорат банклари томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳам диққатга сазовордир.

Республикадаги етакчи молия муассасаси сифатида танилган Мустақил Ўзбекистонимиз автомобилсозлик тармоқини вужудга келишида ҳамда жадал суратлар билан ривожланишида доимий молиявий ҳамкор бўлиб келаётган "Асака" Давлат акциядорлик тижорат банки ҳам банкка асос солинган дастлабки кунларданоқ тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, жумладан, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, сифатли банк хизматларини тақлиф этиш борасида банк томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 4232-сонли Фармони асосида Ҳукуматимизнинг ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бошланғич сармоясини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида "Диплом билан бизнесга" лойиҳаси доирасида олий ўқув юрлари ва касб-хунар коллежлари талабалари орасида бизнесни бошланғич ва кейинги босқич жараёнида учрайдиган баъзи бир муаммоларни ечиш амалиётини ўргатишнинг самарали усулларини йўлга қўйиш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Ушбу семинарларга мос равишда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида "Келажак овози" ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида "Асака" банк мутахассислари ёрдамида жорий йилнинг 11 апрелида Қашқадарё вилоятида, 13 апрелда Самарқанд вилоятида, 19 апрелда Наманган вилоятида, 20 апрелда Андижон вилоятида, 21 апрелда Фарғона вилоятида ёш тадбиркорларга бағишлаб форумлар ўтказилди ва тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи ёш тадбиркорларга Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг асл моҳияти тушунирилди ҳамда кредитга оид ҳужжатларнинг намуналари йўлланма сифатида тарқатилди.

Ўтказилган тадбирларнинг самараси сифатида таълим муассасалари битирувчиларига жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида банк филиаллари томонидан 770,7 млн. сўм миқдорида кредит маблағларининг ажратилиши бунинг яқол далили, десак муболаға бўлмайди.

Жорий йилнинг 27-28 апрель кунлари Марказий кўргазмалар залида ўтказилган "BANKEXP-2011" кўргазмасида тадбиркорлар, олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежлари битирувчиларига ҳамда барча банк фаолиятига қизиқувчи кўргазма катнашчиларига "Асака" банк томонидан миқозларга тақлиф этилаётган сифатли янги замонавий банк маҳсулотлари намойиш этилди. Қизиқувчиларнинг саволларига банк мутахассислари томонидан батафсил жавоблар берилди.

Бугун кунда ўз вақтини қадрловчи банк миқозларидан 437 таси SMS-банкнинг, 787 таси банк-миқоз хизмат турларидан фойдаланмоқда. Шу билан бирга, тадбиркор ва ишбилармонлар учун банк томонидан яна бир қўлайлик интернет-банкнинг хизмати ҳам жорий қилинмоқда.

"Асака" банк республика тижорат банклари ичида биринчилик қаторида "2011 йилнинг энг яхши лойиҳаси" мавзусида жорий йилнинг январда матбуот ва телевидения орқали танлов эълон қилиб, март ойида танлов натижалари бўйича Самарқанд вилоят филиали мижози "Maroqand Parranda" МЧЖ 1-ўринга (паррандачиликни ривожлантириш), Наманган вилоят филиали мижози "Fahir Tekstil Savdo" МЧЖ 2-ўринга (эркаклар костюм-шимлари тиқиш), Тошкент шаҳридаги Автотранспорт филиали мижози "Safu Tibbiyot" МЧЖ (аҳолига замонавий медицина хизматлари кўрсатиш) 3-ўринга лойиҳа деб топилди. Танлов ғолиблари имтиёзли шартларда кредит олиш ҳуқуқини берувчи диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Жумладан, жорий йилнинг 3 июнь кунли О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аёллар қаноти бошчилигида "Тадбиркорлик таймлайни" ва ишбилармонлик имкониятлари" мавзусида "Пойтахт" бизнес марказида ўтказилган семинарда ғолиб деб топилган Сирдарё вилоятидаги "Адахамбек фойз Нур" шўъба корхонасига сифатли тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ва Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи тадбиркор Адилова Камолага оилавий бизнесни ташкил қилишга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, Республика Тадбиркорлар ва ишбилармонлар Палатаси раҳбарияти, О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва "Асака" банк ходимлари ҳамда Республикамиз ҳудудларидан таширф буюрган тадбиркорлар ўзларининг лойиҳалари билан қатнашдилар.

Шунингдек, "Асака" банк ташаббуси билан бир қатор газеталарда ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида юридик шахс мақомига эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги "Энг яхши қишлоқ лойиҳаси" бўйича танловлар эълон қилинган. Бугунги кунда танлов бўйича аризалар банкнинг барча филиалларида қабул қилиниши давом этмоқда.

"Асака" банкнинг Республика молия бозорига тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори сифатида танилганлиги боис банк билан Ўзбекистон Республикаси "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди" нодавлат ношжорат ташкилоти ўртасида фонд томонидан танланган лойиҳаларни молиялаштириш ҳақидаги ҳамкорлик келишув битими имзоланди. Ушбу келишув битимига асосан 2011 йилда банкнинг Қорақалпоғистон, Жиззах ва Самарқанд вилоят филиаллари томонидан "Фермер ва тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш" мавзусида танланган 13 та лойиҳага жами 1 390,0 млн. сўм миқдорида имтиёзли фойзаларда кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан тўлақонли хабардор қилиш мақсадида малакали ходимлар орқали зарур ахборотлар базаси билан таништирув хизматлари мунтазам равишда банкнинг интернет саҳифаси (www.asakabank.com) ва интернет портали (www.nis.uz) орқали олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан тасдиқланган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини ижросини таъминлаш бўйича "Асака" банк томонидан жорий йилда 411,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши режалаштирилган. 2011 йил биринчи ярим йиллиги мобайнида Давлат дастурини ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан 231,4 млрд. сўм ва 3,4 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди. Бунинг натижа-сида 5179 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги 1047-сонли Қарори асосида республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан беками-кўст тўлдириш, асосан қишлоқ жойларда замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи илҳам корхоналарини жадал барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш, кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш ҳамда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Ҳукуматимизнинг тегишли топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи-

ларга ажратилган кредитлар ҳажми 50,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги 1050-сонли Қарори асосида рақобатбардош юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада тўлиқроқ бойитиш, тайёр ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бунинг асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, инсонларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида маҳаллий ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ажратилган кредитлар ҳажми 54,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳамда тадбиркорларга ажратилган микрокредитлар ҳажми 13,7 млрд. сўмни ташкил этди, ёш оилаларга ўз бизнесларини бошлаши, уни ривожлантириш ва кенгайтиришни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган микрокредитлар ҳажми 1,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Ажратилаётган кредитлар юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишга, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология ва бошқа илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга асосланган лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда.

Банк филиаллари томонидан 2011 йил 1 июль ҳолатига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 308-сонли ҳамда 842-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида қорвачиликни ривожлантириш, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларни янада кўпайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ўсишини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлаш учун 1,9 млрд. сўм, республикамизнинг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларига аҳолини иш билан таъминлаш ва жойларда аҳоли даромадларини ошириш, иқтисодиётимизда тобора ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлиб бораётган қасаначиликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида оилавий тадбиркорлик ва ҳўнамандчиликни ривожлантириш мақсадида улар учун 1,5 млрд. сўм, янги ташкил этилаётган кичик бизнес субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш учун салкам 450 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

"Асака" Давлат акциядорлик тижорат банки жамоаси "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга, маҳаллий ҳомаёнида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялашга, миқозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш бўйича ишларни янада фаол давом эттирадилар.

Чори МИРЗАЕВ,
Кредитлаш департаменти бошлиғи

Ватанпарварликка муносиб мукофот



Максудали КАМБАРОВ,
«Huquq»

терма жамоаси аъзоларини мукофотлаш тўғрисида" ги Фармойиши матбуотда эълон қилинди. Унга кўра, Жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузиди юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани, истиклол даврида вояга етган баркамол авлодизмизнинг энг ёрқин фазилатларини яққол намоён этгани учун Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси делегацияси раҳбари, бош ва катта мураббий ҳамда бир қатор ёш футболчилар "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланадиган бўлди. Шунингдек, Фармойиш иловасига мувофиқ, терма жамоа бош мураббийи Алексей

Мексика яшил майдонларида 17 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида чорак финалга қадар етиб борган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўз Ватанига ҳақиқий қаҳрамонлардай қайтиб келишди. Дарҳақиқат, ўз тарихида ilk бора ючич мундиалда иштирок этган ўсмирларимиз бир уринишда катта чўққини забт этишди. Аслида уларнинг нияти бош соврин эли. Буни Уругвай ўсмирлари билан бўлган ўйинда ҳам кўрилди.

Ёш футболчиларимиз кўп жабҳаларда рақибларига имкониятни бой бериб қўйишса-да, осонликча таслим бўлишни истамади. Галаба бўлган иштиёқ шу қадар кучли эдики, бор куч ва ғайратларини ишга солиб, галаба учун интилишди. Аммо ўша кун музаффарлик уруғвайликларга насиб этди. Бироқ ўсмирларимизнинг қаҳрамонликлари бўлган интилишлари таҳсинга сазовор. Улар биринчи

уринишдаёқ энг баланд чўққини забт этиб, мустақиллигимизнинг 20 йиллигига муносиб совға ҳозирлашни истаганди. Ана шундай фидойилик, ватанпарварликнинг ўзи эътирофга лойиқ. Бу фидойилик ҳукуматимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланди.

Жорий йилнинг 11 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар



Евстафеев ҳамда катта мураббий Аҳмадjon Мусаевлар "LACETTI", Жаҳон чемпионати ўйинларида ўзини кўрсатган Ғанишер Холмуродов (дарвозабон), Сардор Раҳмонов (ҳимоячи), Жавлон Мирабдуллаев (ҳимоячи), Мухсинжон Убайдуллаев (ҳимоячи), Равшанжон Хайдаров (ҳимоячи), Асилжон Мансуров (ҳимоячи), Аббосбек Махталиев (ярим ҳимоячи, жамоа сардори), Сардор Собирходжаев (ярим ҳимоячи), Давлатбек Ербеков (ярим ҳимоячи), Бобир Давлатов (ярим ҳимоячи), Азизбек Муротов (ярим ҳимоячи), Холмурод Холмуродов (ярим ҳимоячи) ҳамда Тимур Ҳақимов (ҳужумчи) ларга "SPARK" автомашиналари совға қилиниши белгиланган.

Мана шу эътибор ёш футболчиларимизнинг қалбида ғурур ва ифтихор туйғусининг жўш уришига сабаб бўлганига ишончимиз комил. Бугун улар мана шу заминнинг фарзандлари эканлигидан беҳад бахтиёр. Ёш футболчиларга бундай даражадаги эътибор уларнинг ғайратига ғайрат, шижоатига шижоат қўшиб, келгусида Ватанимиз шаънини янада юксалтарга кўтаришига умид қилсак бўлади. Насиб бўлса, ушбу футболчиларимиз кейинги мусобақаларда Ўзбекистон шаъни, обрў-эътибори учун майдонга тушиб, буюк аждодларига муносиб авлод эканликларини исботлашади.

Олимпиячиларимиз «В» гуруҳида

Хабарингиз бор, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 2012 йили Лондонда бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинларининг финал баҳсида қатнашиш учун дастлабки сингелдан ёрғуз билан ўтди. Саралаш баҳсларида 2-саралаш босқичдан қўшилган ҳамюртларимиз икки ўйин натижасига кўра Гонконг олимпиячиларини умумий 3:0 ҳисобида енгиб, ҳал қилувчи босқичга чиқди.

Жорий йилнинг 7 июль кунини ОФК қароргоҳида ҳал қилувчи баҳсга йўлланмани кўлга киритган 12 жамоани гуруҳларга тақсимлаш бўйича қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Қуръа натижасига кўра олимпиячиларимиз "В" гуруҳидан жой олди. Мутахассислар томонидан "ўлим гуруҳи" деб таърифланган мазкур гуруҳда вакилларимиз Австралия, Ироқ ва БАА олимпия терма жамоалари билан баҳс олиб боради.

Гуруҳларда биринчи ўринни кўлга киритган терма жамоалар тўғрисида олимпиада йўлнамасини кўлга киритади. Иккинчи ўриндаги жамоалардан яна бир гуруҳ ташкил этилиб, ғолиб Осиёнинг тўртинчи жамоаси сифатида олимпиадада қатнашиш имкониятига эга бўлади.

Ўсмирларимиз Жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, ўзбек футболчининг довуруғини янада кўтаришди. Олимпиячиларимиздан ҳам укалари каби мухлисларни қувонтирадиган галабалар кунти қоламин.



Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul ko'itib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma J-2258. 52 556 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: Sh.YODGOROV
Musahhib: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.



■ Диққат, янги танлов!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги,
"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми"
жамғармаси, "Туронбанк" акциядорлик тижорат
банки ва Ўзбекистон электрон оммавий ахборот
воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида

«Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси» танлови ўтказилади

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири. Шу боис танловда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг муносиб ворисларини ҳуқуқий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш, ушбу йўналишда кўрсатган фидойилиги, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида олиб бораётган кенг қўламли тарғибот ишларини амалга ошираётган ҳуқуқ тарғиботчиларини аниқлаш ва уларни рағбатлантириш бош мақсад қилиб олинган.

"Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси" танловида республикаимизнинг барча фуқаролари, мамлакатимизда яшаш гувоҳномасига эга бўлган фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этиши мумкин.

Танлов ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида ўтказилади.

Ғолиблар қуйидаги номинациялар бўйича аниқланади:

- "Жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун";
- "Ёшлар орасидаги кенг қўламли ҳуқуқий тарғиботга қўшган ҳиссаси учун";
- "Ҳуқуқий тарғиботдаги фидойилиги учун";
- "Оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий маданиятни кенг тарғиб қилганлиги учун";
- "Ҳуқуқий тарғиботни ташкил қилишдаги яқин ҳамкорлиги учун";
- "Энг ёш ҳуқуқ тарғиботчиси".

Танловда қатнашиш истагини билдирган ҳар бир номзоднинг ҳужжатлари ва материаллари номзод ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот ёки ўқув муассасаси томонидан ташкилоти кўмитанинг ишчи органига расмий хат билан топширилади.

Хатга қуйидаги ҳужжатлар ва материаллар илова қилиниши лозим:

- тегишли ташкилот ёки таълим муассасасининг тавсияси;
- номзоднинг паспорт нусخаси ва анкетаси;
- номзоднинг сўнгги 2 йил мобайнидаги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида олиб борган ишлари ва алоҳида эришган ютуқлари (матбуотда чоп этилган ва веб-сайтларда эълон қилинган мақолалар, буклетлар, плакатлар, рисоалар, савол-жавоб ва шарҳловчи қўлланмалар ҳамда ҳуқуқий тарғибот олиб борганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар);

Ҳужжатларни топширишнинг охириги мuddати 25 июль.

Ғолиблар эсдалик нишонлари, дипломлар, статуэткалар, совринлар ва белгиланган миқдордаги пул мукофотлари билан тақдирланади.

Ғолиб ва совриндорлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Кўшимча маълумот учун телефон: (998-71) 233-39-84,
Факс: (998-71) 233-39-84, E-mail: press@minjust.gov.uz

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва СВОЖДЛҚК Департаменти жамоаси Департамент бўлими бошлиғи Ильхомжон Латифовга волидаи муҳтарамаси

ХАЙРИНИСА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамда Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси

Анарбай УМАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади

Қашқадарё вилоят прокуратураси жамоаси ва СВОЖДЛҚК Департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси жамоаси Департамент бошқарма бошлиғи Жума Қаюмовга фарзандларини

ЖАХОНГИР ва ЗАФАРнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади